

Oila va jamiyat

@oilavajamiyatgazetasi_bot

MULTFILMLAR TANDIDI: BOLALARIMIZ ALDANIB QOLMASIN!

Ўйлаб қоласан киши, шунга ўхшаган севги изҳорларидан иборат хорижий мультфильмларни фалон пул сарфлаб таржима қилишдан мақсад нима? Ундан кўра, сеҳру жодудан халос бўладиган бемаъни мультфильмлар ўрнига ўзимизнинг “Зумрад ва Қиммат”ни минг марта томоша қилса арзийди. (Бу билан хориж мультфильмларини танқид қилмоқчи эмасмиз. Уларнинг ичида яхшилари ҳам бор, албатта! Аммо ўзбек мультфильмларининг болажонларга нисбатан ғоя ва таъсир кўлами ниҳоятда кучли!) Ҳали тили яхши чиқмаган, оқ-қорани танимаган боланинг қулоғига “севаман”, “сен меникисан”, “битта ўпай” каби нобалоғат сўзлар қуйилаверса, ундан келажакда қандай оқилона гаплару, ҳаракатлар кутамиз?



5

Asrimiz qahramonlari



Коронавирус инфекцияси ва унинг кенг тарқалиши олдини олиш борасида амалга оширилаётган кенг қамровли чора-тадбирлар жараёнида шахримиз тиббиёт ходимларининг ҳам қўшаётган ҳиссаси салмоқли.

Жорий йилнинг 15 март санасида юртимизда COVID-19 вирусини аниқланиб, барча ҳудудларда дарҳол карантин чора-тадбирлари йўлга қўйилди. Жумладан, Олмалиқ шаҳрида ҳам қатъий тартибда карантин қоидалари ўрнатилди. Бунда тиббиёт, ички ишлар бўлими, миллий гвардия, СЭОМ ходимларининг хизматларини алоҳида таъкидлаш жоиз.

6

“Alimentxo‘r emasman, ammo...”

Шу пулни ҳам етти ой тўлиқ олдим, холос. Шундан сўнг эрим негадир пул жўнатишни тўхтатди. Беш ойгача пул келмади. Охири яна туман судига бордим. Борсам, “Эрингиз ўзи бир фермернинг қўлида сувчи бўлиб ишлайди. Қонун бўйича ойлигига қараб алимент пул чиқарилган. Қиш мавсумида ойлик камайган. Яна суриштираемиз”, – дейишди. Ахир машина, савдо дўконлари бор одам қандай қилиб сувчи бўлиб ишлаши мумкин. Кейин билсам, алимент тўловчи кўплаб эркаларнинг хийласи шундай экан. Мен алиментхўр эмасман, ammo... Шу болаларнинг ризқини қиймасе бўлардику? Ахир менга эмас, ўз фарзандларига беряптику. Бу болаларнинг нима гуноҳи бор эди?

9

Oqibatli qo'shnilar

– Мана, Хайринисо опам айтган кунларга ҳам етдик, – дея ўғлининг гапини давом эттирди Рисолат хола. – Қўшним берган пулларни тийин-тийингача ҳисоб-китоб қилиб ёзиб юргандик. Аввалроқ қайтармаганимизга сабаб Хайринисо опам раҳматли: “ташвишларингдан қутулиб олгунингларча невараларим катта бўлишади. Уларни уйлаб-жойлашда, узатишда Шермирозамга суянчиқ бўлинглар”, деб васият қилган эдилар. Азизахоннинг тўйини бошлаб қўйибсизлар. Шунга Самандарим йиққан-терганларини ўртага олди. Насиб этса, тўйда нима ҳизмат бўлса, барига туриб беради. Ҳозирча манавини олиб, кам-кўстига ишлатинглар...


10

МЕН PUL BILAN O'LCHANMAYDI

Биласиз, фарзанд тарбияси хусусида гап кетганда "Куш уясида кўрганини қилади" деган мақол албатта, тилга олинади. Сабаби, оиладаги урф-одат, ота-онадаги тартиб-интизомдан тортиб катталардаги феъл-атворгача ўша муҳитда ўсиб-унаётган болаларга кўчиб ўтади. Бироқ, куш инида бўлмаса, фарзандлар кимдан ибрат олсин, қандай тарбияли бўлсин?

Сўнги пайтларда усмирлар, вояга етмаганлар ўртасидаги нохуш воқеа-ходисаларнинг илдири оилага бориб тақалиши айна ҳақиқат. Таҳлил қилиб кўрилса, ана шу нохуш воқеаларнинг аксари ота-отаси хорижга кетган болалар томонидан содир этилмоқда.

Маҳаллада тез-тез вояга етмаганлар орасида жиноятчиликнинг олдини олиш бўйича тadbирлар, суҳбатлар ўтказилади. Ана шундай йигитларнинг бирида сўзга чиқиб қизишиб кетибман, шекилли, "Айрим йигитларимизда гурур деган буюклик қолмаяпти. Аёлу қизларини четга юбориб, уялмай-нетмай улар юрган пулни сарфлаб юришибди", деганимни биламан, хотини хорижда ишлаётган бир маҳалладошим сўзимни шарт бўлди-



Пул топиш яхшикуя лекин уларнинг ортидан учта қоракўз меҳрга зор бўлиб ўсяпти. Мен минг гирдикапалак бўлмай, барибир ота-онасининг ўрнини боса олмайман. Энг каттаси қандай шўх, қувноқ эди, мана ҳозир одамови бўлиб қолган.

да: "Опа, оғзингизга қараб гапиринг, Туркияда эркакларга иш йўқ экан-да, нима, мен сизлардан бирон марта ёрдам сўраб чиқдимми?", деб жанжал кўтарди. Аслида ўша йигитнинг исмини ҳам тилга олмаган эдим, аммо гап эгасини топди. Даврадаги онахонлардан бири ёнимни олиб, сўзни давом эттирди. "Мана ўғлим келинимни ҳам кўярада қўймай "иккаламиз ҳам ишласак, кўпроқ пул топамиз, тезроқ оёққа турамыз", деб олдиға солиб хорижга кетди. Пул топиш яхшикуя, лекин уларнинг ортидан учта қоракўз меҳрга зор бўлиб ўсяпти. Мен

минг гирдикапалак бўлмай, барибир ота-онасининг ўрнини боса олмайман. Энг каттаси қандай шўх, қувноқ эди, мана ҳозир одамови бўлиб қолган. Истаса гаплашади, истамаса тумтайиб олади. Ким билади не хаёллар гирдобиди юрибди. Шунинг учун болаларга энг кераги пул, бойлик эмас, ота-она меҳри, эътибори экан", дея хўрсиниб қўйди. Тўғри-да, ўйлаб қаралса, ўз юртида қимирлаган одамга ризқ-насиба топилади. Фақат ҳою-ҳавасга, ҳашам ва дабдабага зeb берилмаса бас, бари камчиликлар ўрни секин-аста тўлади.

Фарзандлари, яқинлари бағрида умргузаронлик қилишга не етсин. Ота-онанинг фарзанд олдидаги ҳақиқи уни фақат едириб-ичириш бўлмаслиги керак. Уларни илми, маърифатли ва тарбияли қилиб вояга етказиш бирламчи ва асосий масала эмасми?

Дунё пиёланнинг гирдикек думалоқ. Фарзандга болалигида не ҳади қилсангиз, келгусида улардан ҳам шу қайтади. Бугун ҳамма нарсани пул билан ўлчайдиган, бемехр ва эътиборсиз ота-оналар келгусида шундай муносабатга рўпара келишига ҳеч ким кaфoлат беролмайди. Шу боис, кеч бўлмасидан маррани бехато қўймоқ керак.

Орадан бир мuddат ўтиб, давра суҳбатидан таъсирланган ўша йигит банкдан кредит олиб, тadbиркорликка қўл урмоқчи эканини айтиб, йўл-йўриқ кўрсатишимизни сўраб чиқди. Қизиги, ёнида рафиқаси ҳам бор эди...

Мен маҳалладошимнинг қароридан, тўғрироғи, фарзандларининг ҳеч нарсасига тенглаштириб бўлмайдиган ота-она меҳридан баҳраманд бўлаётганидан хурсанд бўлдим. Катта арава қаердан юрса, кичиги ҳам ўша йўлдан йўргалайди. Катталарнинг фарзандларига намуна бўлиши ортидан жамиятга фикрати теран авлод этишиб чиқади.

Ўғлилой ЙЎЛДОШЕВА,
Тойлоқ тумани Работ МФЙ раисининг оила, хотин-қизлар ва ижтимоий-маънавий масалалар бўйича ўринбосари.

"ЎЙГ'ЛАМА, КО'ЗЛАРИ МУНCHOГ'ИМ"



Мана дарвоза олдида турибман-у оёқларим қалтираб, ичимни бир туйғу ёндираёпти. Ўзимни ўзим еб битиргудекман... Қайси ақл билан яна шу муштпарларнинг олдиға келдим?! Майли, нима бўлса бўлди. Ҳеч бўлмаса ўша ноинсофлар уларни кўриб қолишар, ҳеч бўлмаганда юзтасидан биттасиники кўрса, виждони қийналса, ўша қилган ишига озроқ бўлса-да афсус қилса мен мақсадимга етган бўламан. Кирдим... ҳовли худди келишимизни билгандек чинни чироқ қилиб қўйилган. Ичкарига юрдим... Қабулхонадан мудира хонасидами йўқми суриштирдим. Ҳайрият хонасида экан. Эшикни тақиллатдим:

— Ким у? Кираверинг — деган овоз эшитилди.

Хонага кирдим, ажойиб жиҳозланган, аквариум ҳам бор экан.

— Ассалому алайкум, мен журналист-

ман. Шу меҳрибонлик уйи ҳақида репортаж тайёрламоқчи эдим. Агар иложи бўлса болалар билан ўзим танишсан, қарши эмасмисиз?! Фақат мени бир муаммо қийнаёпти. Улар мени яқин инсон деган фикрга бориб қолишмайдими?! Шу биров ташвишлантираёпти.

— Ҳеч ўйланманг, бу ердаги болалар бунақа ташрифларга ўрганиб қолишган. Фақат энди келганлари сизга меҳр қўйиб қолмаса, қолган сал катталари ҳамма нарсани кўравериб охири умидвор бўлмай қўйишган. Бу ерда ҳар бир боланинг ўз онаси бор. Улар худди бир оиладек яшашади. Лекин барибир ўз оиласидек бўлмайди-да, — деди хўрсиниб.

Гапни чўзмасдан болалар томон йўналдик. Бир-бирдан ширин, норасида, мурғак. Кичкиналари ўзлари билан ўзлари овора. Катталари эса дарс тайёрлашмоқда. Дам олиш кун

бўлгани учунми ҳаммаси бор. Бир қизчага кўзим тушди. Сочлари узун, тақимини ўлгудек, битта қилиб ўриб олинган. Бошида танғиб олган рўмоли ва фартукчаси бирам ўзига ярашганки, асти қўяверасиз. Гулларга меҳр билан сув қўйиб, баргларини артаяпти. Секин ёнига бордим.

- Салом. Исминг нима қизалоқ?
- Ассалому алайкум. Ширина.
- Неча ёшдасан?
- Бешда.
- Яхши. Гулларни яхши кўрасанми?
- Ҳа.
- Қайсиниси ёқади?
- Ҳаммаси. Лекин кактусни кўпроқ яхши кўраман.

— Шириним, энди мен кетаман. Аммо яна келаман, — дедим юзчасидан ўпиб.

— Ойим ҳам шунақа деган эдилар лек қайтмадилар... Сиз ҳам ойим каби мени ҳеч нарсага ақли етмайди деб ўйлайсизми. Бироқ биз болалар ҳаммасини тушунамиз, — дедю югуриб кириб кетди.

— Лекин у сабрли. Мана шу кактус қуриб қолганди. Энди яна кўкарди. Мен унга ўхшашни истайман. Сабрли ва тиконли. Шунда ҳеч ким менга зарар етказма олмайди. Унга қуёш нури бўлса бўлди. Мен ҳам мана шу кактус каби ҳаётимни давом эттираман. Ҳар қандай шароитда ҳам енгилмайман. Ва атрофимга ҳеч кимни яқинлаштирмайман. Мустаҳкам ҳимояга эга бўламан.

Ҳайратдан ёқа ушладим. Беш ёшдаги қизнинг гапларими бу?! Ё кимдир ўргатганмикан?!

Кўзларига боқдим. Йўқ, уни ҳаёт болалиқдан олиб катталикка элтиб қўйган. Энди у ёш бола эмас. Ҳаёт улғайтирган бус-бутун одам. Бу ерда "ҳаёт улғайтирган катта одамлар" қўп. Энг аламлиси бундайларни ўзларидан ёши анча катта инсонлар ташлаб кетишган. Лек уларни одам деб аташ

мумкинмикан?! Бу ерда улар бахти, қувончи учун ҳамма нарсаси, шароитлар бор. Аммо кўзларида қувонч эмас, гамгинлик... Кўзларида нур эмас, бир томчи ёш қалқийди.

Куним шу фаршталар билан қандай ниҳоясига етганини билмай қолибман.

Кетишим керак, аммо кета олмайман. Ширина билан хайрлашишга юрак бетламайди. Бояги "кактусчам" ўзига боғлаб олган. Ўзи ҳам менга боғланиб қолди... Хайрлашиш чоғида:

- Шириним, энди мен кетаман. Аммо яна келаман, — дедим юзчасидан ўпиб.
- Ойим ҳам шунақа деган эдилар лек қайтмадилар... Сиз ҳам ойим каби мени ҳеч нарсага ақли етмайди дей ўйлайсизми. Бироқ биз болалар ҳаммасини тушунамиз, — дедю югуриб кириб кетди.

Бир мuddат муаллақ қотиб қолдим. Эй, фалак нечун катталар гуноҳини норасидалар тўлайди?! Айблари не?! Хусусан биргина Ўзбекистон миқёсида оладиган бўлса, энг кўп ажралишлар сони бўйича Тошкент шаҳри (8,8 фоиз) ва Жиззах (3,8 фоиз) етакчилик қилади. Кейинги ўринларда Самарқанд (8,8 фоиз) Навоий (7,6 фоиз), Андижон (6,9 фоиз) вилоятларида энг кўп ажримлар қайд этилган. Кимлар учундир бу кичик статистикадир. Лекин улар сабабли етим қолган ҳар бир боланинг тақдири арзимас нарса эмас. Давлат томонидан етарли шар-шароит яратилгани билан уларга ота-она меҳрини ҳеч ким бера олмайди. Бугун билли-билмай қилинган хатоларимиз эртага жамиятимизга зарар келтириши муқаррар. Хавёлар оғушида дарвозага етганимда дени жажжи қўлчалар ортимдан кучди...

Кўзлар тўла ёш... Ичимдан бир овоз кичқирди... "Йиглама кўзлари мунчоғим!"

Мафтуна АБДУКАРИМОВА.

Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлигида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 18 февралдаги “Жамиятда ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш, маҳалла институтини янада қўллаб-қувватлаш ҳамда оила ва хотин-қизлар билан ишлаш тизимини янги даражага олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонида назарда тутилган тегишли вазифалар ижросини таъминлашга қаратилган видеосеминар бўлиб ўтди.

Видеосеминарда Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлигининг масъул ходимлари, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бошқармалари, туман (шаҳар) бўлимлари бошлиқларининг биринчи ўринбосарлари иштирок этди.

Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлигининг биринчи ўринбосари Элмира Боситхонова видеосеминарни кириш сўзи билан очар экан, мамлакатимиз хотин-қизлари томонидан бизга юборилган мурожаатларга ўз вақтида муносабат билдиришимиз, ундаги масалаларга оқилона ёндашиб, ижобий ечим топишимиз зарур, дея таъкидлади. Бу борада ҳар бир маҳалланинг “Анзират буви”лари, айтиш лозим бўлса, ҳар бир худуднинг виждонига айланган куюнчак инсонлари бўлиши керак.

НАР БИР ОИЛА ҲАМДА



Жамиятнинг ажралмас бўлаги оила ва хотин-қизлар масаласи бугунги кунда давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бири эканлиги, бу борада жойларда фаолият юритаётган вазирлик тузилмасидаги хотин-қизлар билан иш олиб борувчи мутахассис вакилларнинг ўрни ва аҳамияти алоҳида эътироф этилиб, масъуллар олдидаги келажақда амалга ошириш зарур бўлган муҳим вазифаларни белгилаб берилди.

Айтиш лозимки, маҳалла турли ижтимоий қатлам вакилларини бир жамоага бирлаштирувчи, шахсий алоқалар, умумий манфаатлар, мажбуриятлар, умумий ишлардаги иштирокни таъминловчи, ҳар бир фуқарога ижтимоий масъулият юқлай оладиган ягона тузилмадир. Шундай экан, фуқаролар йиғини раисининг оила, хотин-қизлар ва ижтимоий-маънавий

масалалар бўйича ўринбосарлари зиммасига янада муҳим масъулият юкланадики, мазкур маҳалладаги ҳар бир оила, ҳар бир хотин-қиз билан индивидуал иш олиб бориш, уларнинг дарду ташвишлари, орзу-умидларини тўла англаган ҳолда, ўз вақтида кўмак кўрсата олиши уларнинг энг муҳим вазифаларидан бири ҳисобланади.

Видеосеминар давомида Ўзбекистон Республикаси Президентини Ш.Мирзиёев томонидан оила ва хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ҳамда миллий кадрларни мустаҳкамлаш борасида белгилаб берилган вазифалар ижросининг жойлардаги ҳолати бўйича фикр алмашилди. Шунингдек, маҳаллаларда хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш ва оилавий кадрларни мустаҳкамлаш тўғрисида тизимли ишларни ташкил этиш борасида туман (шаҳар) Маҳалла

ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими бошлиғининг биринчи ўринбосари вазифаларини тизими равишда ташкил этиш зарурати ҳақида сўз борди.

Элмира Боситхонова томонидан глобализациянинг миллий кадрларимиз, оилалар мустаҳкамлиги, фарзандлар тарбиясига, мамлакат фуқаролари, айниқса, хотин-қизлар ва ёшларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигига ҳамда уларнинг маънавий бойлигига нисбатан салбий таъсирини бартараф этишга тўқинлик қилаётган 10 та асосий омиллар санаб ўтилиб, уларни ҳал этиш бўйича жойлардаги масъулларнинг асосий вазифалари белгилаб берилди.

Видеосеминарда яна бир муҳим қадам – Халқ таълими вазирлиги тасарруфидоги барча умумтаълим муассасалари қошида “Orasta qizlar”, барча фуқаролар йиғинлари қошида эса “Mahallaning orasta qizlari” тўғраклари фаолиятини йўлга қўйиш ҳақида атрофлича фикр юритилди.

Шу маънода Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш, Халқ таълими ва Соғлиқни сақлаш вазирликлари, Республика Маънавият ва маърифат маркази, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси томонидан “Ёш авлодни, хусусан қизларни миллий, тарихий, маънавий-ахлоқий ва умуминсоний кадрлар руҳида тарбиялаш, оила ва маҳалла муқаддаслигини уларнинг онгига синдириш юзасидан тизимли ҳамкорликни кучайтириш тўғрисида”ги қўшма қарор имзолангани маълум қилинди.

Ушбу қарор “1 июнь – Халқаро болаларни химоя қилиш куни”да ижрога қаратилгани ҳамда “Оила-маҳалла-мактаб” тизими узлуқсизлигини таъминлаш юзасидан ҳамкорликни кучайтириши билан ҳам янада аҳамиятлидир.

Ўз мухбиримиз.

AYOL BIR GUL, E'TIBORGA, DALDAGA MUHTOJ

Zo'ravonlikdan jabr ko'rgan xotin-qizlar bilan ishlash qanday olib borilmoqda?



Ҳозирги вақтда оғир ижтимоий аҳволга тушиб қолган, оилавий муаммоларни ва турмушида зўрлик ишлатилишига дуч келган фуқароларни аниқлаш ҳамда уларга шошилинч тиббий, руҳий, ижтимоий, педагогик, ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш мақсадида юртимизда «Зўрлик ишлатишдан жабр кўрган шахсларни реабилитация қилиш ва мослаштириш ҳамда ўз жонига қасд қилишнинг олдини олиш Республика маркази» фаолияти йўлга қўйилган.

Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлигининг биринчи ўринбосари Элмира Боситхонова мазкур марказнинг Жиззах вилоят ҳудудий бўлими иш фаолияти билан танишди ҳамда у ерда ижтимоий ёрдам кўрсатилаётган хотин-қизлар

билан олиб борилаётган ишларга доир ўтказилган тадбирда иштирок этди. Тадбир давомида вилоятнинг Арнасой туманидан марказга олиб келинган қиз билан сўхбат олиб борилди ҳамда унга «Химоя ордери» бериш бўйича қарор қабул қилинди.

Шу ўринда айтиб ўтиш лозимки, ҳозирги вақтда мамлакатимиз бўйлаб 200 дан ортиқ хотин-қизларга «Химоя ордери» берилган бўлиб, белгиланган бир ой давомида жабрланувчи билан боғлиқ муаммолар тўлиқ бартараф этилмаса, бу муддат ўрнатилган тартибда яна узайтирилади. Маълумотларга кўра, 1146 ишонч рақами орқали Реабилитация маркази Жиззах вилоят филиалига қилинган мурожаатлар асосида жорий йилнинг шу даврига қадар тазйиққа учраган 377 нафар хотин-қизлар муаммолари бўйича иш олиб борилган. Уларнинг 31 нафари марказга олиб келиниб, мутахассислар томонидан ёрдам кўрсатилган.

– Утган давр мобайнида Жиззах вилоят Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бошқармаси билан ҳамкорликда 16 нафар аёлнинг бандлиги таъминланди, 27 нафар фуқаролар оиласи билан яраштирилди, — дейди Жиззах вилоят Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бошқармаси бошлиғи Назира Мухторова. — Шунингдек, марказга мурожаат қилган 3 нафар аёлга уй-жой олиш, 7 нафарининг хужжатларини қайта тиклаш, 5 нафарини жамоатчилик ишларига жалб этиш бўйича амалий ёрдам берилди.

Жиззах вилоят реабилитация бўлими раҳбари Назифа Мирзалиева таъкидлашча, жорий йилнинг шу вақтига қадар марказга келиб тушган 369 нафар зўрлик ишлатиш, 8 нафар одам савдосидан жабрланган хотин-қизларнинг 216 нафарига ҳуқуқий, 125 нафарига психологик, 36 нафарига ижтимоий-тиббий ёрдамлар кўрсатилди.

Айни вақтда марказда вақтинча яшаётган 8 нафар хотин-қиз билан ҳам барча йўналишдаги мутахассислар мунтазам иш олиб боришмоқда. Шунингдек, уларга қўшимча хунар ўргатиш мақсадида тикув чеги ҳамда қандолат маҳсулотларини тайёрлаш сирларини ўргатувчи дарс соатлари ташкил этилган.

Э.Боситхонова марказда йўлга қўйилган мазкур иш тажрибасини бошқа ҳудудларга ҳам намуна сифатида жорий этиш таклифини билдирар экан, жумладан, шундай деди:

– Аёл – бир гул, эътиборга, далдага муҳтож. Шундай экан, республикамиздаги ҳар бир хотин-қиз давлатимиз химоясида. Бу борада зўравонликка, тазйиққа учраган хотин-қизлар учун ташкил этилган реабилитация марказларининг аҳамияти жуда катта. Бугунги кунда республикамиздаги мавжуд барча 197 та реабилитация марказларига асосан хотин-қизларга нисбатан ишлатилган зўравонлик, тазйиқ ҳолатларини учратаямиз. Бизнинг мақсадимиз уларга доимий равишда психологик, тиббий, руҳий, ҳуқуқий ёрдам бериш.

Э.Боситхонова мазкур марказда фаолият юритаётган уч нафар ходимга Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги таркибидоги Жамоат фонди томонидан оиллик иш ҳақи тўлаб берилиши ҳамда бу рағбат уларнинг янада самарали иш олиб боришлари учун муҳим эътибор бўлишини таъкидлаб ўтди.

Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги
Матбуот хизмати.

MEHR PUL BILAN O'LCHANMAYDI

Биласиз, фарзанд тарбияси хусусида гап кетганда “Куш уясида кўрганни қилади” деган мақол албатта, тилга олинади. Сабаби, оиладаги урф-одат, ота-онадаги тартиб-интизомдан тортиб катталардаги феъл-атворгача ўша муҳитда ўсиб-унаётган болаларга кўчиб ўтади. Бироқ, куш инди бўлмаса, фарзандлар кимдан ибрат олсин, қандай тарбияли бўлсин?

Сўнги пайларда ўсмирлар, вояга етмаганлар ўртасидаги нохуш воқеа-ҳодисаларнинг илдизи оилага бориб тақалиши аниқ ҳақиқат. Тахлил қилиб кўрилса, ана шу нохуш воқеаларнинг аксари ота-отаси хорижга кетган болалар томонидан содир этилмоқда.

Маҳаллада тез-тез вояга етмаганлар орасида жиноятчиликнинг олдини олиш бўйича тadbирлар, суҳбатлар ўтказилади. Ана шундай йигитларнинг бирида сўзга чиқиб қизишиб кетибман, шекилли, “Айрим йигитларимизда гурур деган буюклик қолмапти. Аёлу қизларини четга юбориб, уялмай-нетмай улар юборган пулни сарфлаб юришибди”, деганимни биланман, хотини хорижда ишлаётган бир маҳалладошим сўзимни шарт бўлди-



Пул топиш яхшикуя лекин уларнинг ортидан учта қорақўз меҳрға зор бўлиб ўсяпти. Мен минг гирдикапалак бўлмай, барибир ота-онасининг ўрнини боса олмайман. Энг каттаси қандай шўх, қувноқ эди, мана ҳозир одамови бўлиб қолган.

да: “Опа, оғзингизга қараб гапиринг, Туркияда эркакларга иш йўқ экан-да, нима, мен сизлардан бирон марта ёрдам сўраб чиқдимми?”, деб жанжал кўтарди. Аслида ўша йигитнинг исмини ҳам тилга олманган эдим, аммо гап эгасини топди. Даврадаги онахонлардан бири ёнимни олиб, сўзни давом эттирди. “Мана ўғлим келинимни ҳам кўярда қўймай “икаламитиз ҳам ишласак, кўпроқ пул толамиз, тезроқ оёққа турамиз”, деб олдига солиб хорижга кетди. Пул топиш яхшикуя, лекин уларнинг ортидан учта қорақўз меҳрға зор бўлиб ўсяпти. Мен

минг гирдикапалак бўлмай, барибир ота-онасининг ўрнини боса олмайман. Энг каттаси қандай шўх, қувноқ эди, мана ҳозир одамови бўлиб қолган. Истаса гаплашади, истамаса тумтайиб олади. Ким билади не хаёллар гирдобиди юрибди. Шунинг учун болаларга энг кераги пул, бойлик эмас, ота-она меҳри, эътибори экан”, дея хўрсиниб қўйди. Тўғри-да, ўйлаб қаралса, ўз юртида қимирлаган одамга ризқ-насиба топилади. Фақат ҳою-ҳавасга, ҳашам ва дабдабага зеб берилмаса бас, бари камчиликлар ўрни секин-аста тўлади.

Фарзандлари, яқинлари бағрида умргузаронлик қилишга не етсин. Ота-онанинг фарзанд олдидаги ҳаққи уни фақат едириб-ичириш бўлмаслиги керак. Уларни илми, маърифатли ва тарбияли қилиб вояга етказиш бирламчи ва асосий масала эмасми?

Дунё пиёланнинг гирдидек думалоқ. Фарзандга болалигида не ҳада қилсангиз, келгусида улардан ҳам шу қайтади. Бугун ҳамма нарсани пул билан ўлчайдиган, бемехр ва эътиборсиз ота-оналар келгусида шундай муносабатга рўпара келишига ҳеч ким кафолат беролмайди. Шу боис, кеч бўлмасидан маррани бехато қўймоқ керак.

Орадан бир муддат ўтиб, давра суҳбатидан таъсирланган ўша йигит банкдан кредит олиб, тadbиркорликка кўл урмоқчи эканини айтиб, йўл-йўриқ қўраганини сўраб чиқди. Қизиги, ёнида рафиқаси ҳам бор эди...

Мен маҳалладошимнинг қароридан, тўғрироғи, фарзандларининг ҳеч нарсасига тенглаштириб бўлмайдиган ота-она меҳридан баҳраманд бўлаётганидан хурсанд бўлдим. Катта арава қаердан юрса, кичиги ҳам ўша йўлдан йўғалайди. Катталарнинг фарзандларига намуна бўлиши ортидан жамиятга фикрати теран авлод етишиб чиқади.

Ўғиллой Йўлдошева,
Тойлоқ тумани Работ МФЙ раисининг оила, хотин-қизлар ва ижтимоий-маънавий масалалар бўйича ўринбосари.

“ҲИГ‘ЛАМА, КО‘ЗЛАРИ МУНЧОГ‘ИМ”



Мана дарвоза олдида турибман-у оёқларим қалтираб, ичимни бир туйғу ёндираёпти. Ўзимни ўзим еб битиргудекман... Қайси ақл билан яна шу муштипарларнинг олдига келдим?! Майли, нима бўлса бўлди. Ҳеч бўлмаса ўша ноинсофлар уларни кўриб қолишар, ҳеч бўлмаганда юзтасидан биттасиники кўрса, виждони қийналса, ўша қилган ишига озроқ бўлса-да афсус қилса мен мақсадимга етган бўламан. Кирдим... ҳовли худди келишимизни билгандек чинни чироқ қилиб қўйилган. Ичкарига юрдим... Қабулхонадан мудира хонасидами йўқми суриштирдим. Ҳайрият хонасида экан. Эшикни тақиллатдим:

– Ким у? Кираверинг – деган овоз эшитилди.
Хонага кирдим, ажойиб жиҳозланган, аквариум ҳам бор экан.
– Ассалому алайкум, мен журналист-

ман. Шу меҳрибонлик уйи ҳақида репортаж тайёрламоқчи эдим. Агар иложи бўлса болалар билан ўзим танишсан, қарши эмасмисиз?! Фақат мени бир муаммо қийнапти. Улар мени яқин инсон деган фикрга бориб қолишмайди?! Шу бироз ташвишлантираёпти.
– Ҳеч ўйланманг, бу ердаги болалар бунақа ташрифларга ўрганиб қолишган. Фақат энди келганлари сизга меҳр қўйиб қолмаса, қолган сал катталари ҳамма нарсани кўравериб охири умидвор бўлмай қўйишган. Бу ерда ҳар бир боланинг ўз онаси бор. Улар худди бир оиладек яшади. Лекин барибир ўз оиласидек бўлмайди-да, – деди хўрсиниб.
Гапни чўзмасдан болалар томон йўналдик. Бир-бирдан ширин, норасида, мурғак. Кичиналари ўзлари билан ўзлари овра. Катталари эса дарс тайёрлашмоқда. Дам олиш куни

бўлгани учунми ҳаммаси бор. Бир қизчага кўзим тушди. Сочлари узун, тақимини ўлғудек, битта қилиб ўриб олинган. Бошида тангиб олган рўмоли ва фартукчаси бирим ўзига ярашганки, асти қўяверасиз. Гулларга меҳр билан сув қўйиб, баргларини артаяпти. Секин ёнига бордим.

- Салом. Исинг нима қизалоқ?
- Ассалому алайкум. Ширина.
- Неча ёшдасан?
- Бешда.
- Яхши. Гулларни яхши кўрасанми?
- Ҳа
- Қайсиниси ёқади?
- Ҳаммаси. Лекин кактусни кўпроқ яхши кўраман.

– Нега?! Нега айнан кактус?! У тиконлику. Чиройли ҳам эмас?! Гулламайди ҳам.

– Лекин у сабрли. Мана шу кактус қуриб қолганди. Энди яна ухшашни истайман. Сабрли ва тиконли. Шунда ҳеч ким менга зарар етказма олмайди. Унга қуёш нури бўлса бўлди. Мен ҳам мана шу кактус каби ҳаётимни давом эттираман. Ҳар қандай шароитда ҳам енгилмайман. Ва атрофимга ҳеч кимни яқинлаштирмайман. Мустаҳкам ҳимояга эга бўламан.

Ҳайратдан ёқа ушладим. Беш ёшдаги қизнинг гапларини бу?! Ё кимдир ўргатганмикан?!
Кўзларига боқдим. Йўқ, уни ҳаёт болаликдан олиб катталикка элтиб қўйган. Энди у ёш бола эмас. Ҳаёт ўлғайтирган бус-бутун одам. Бу ерда “ҳаёт ўлғайтирган катта одамлар” кўп. Энг аламлиси бундайларни ўзларидан ёши анча катта инсонлар ташлаб кетишган. Лек уларни одам деб аташ

мумкинмикан?! Бу ерда улар бахти, қувончи учун ҳамма нарса, шароитлар бор. Аммо кўзларида қувонч эмас, гамгинлик... Кўзларидан нур эмас, бир томчи ёш қалқийди.

Куним шу фаришталар билан қандай ниҳоясига етганини билмай қолибман. Кетишим керак, аммо кета олмайман. Ширина билан хайрлашишга юрак бетламайди. Бояги “кактусчам” ўзига боғлаб олган. Узи ҳам менга боғланиб қолди... Хайрлашиш чоғида:

– Шириним, энди мен кетаман. Аммо яна келаман, – дедим юзчасидан ўпиб.
– Ойим ҳам шунақа деган эдилар лек қайтмадилар... Сиз ҳам ойим каби мени ҳеч нарсага ақли етмайди дей ўйлаيسىзми. Бироқ биз болалар ҳаммасини тушунамиз, – дедю югуриб кириб кетди.

Бир муддат муаллақ қотиб қолдим. Эй, фалак нечун катталар гуноҳини норасидалар тўлайди?! Айблари не?! Хусусан биргина Ўзбекистон миқёсида оладиган бўлса, энг кўп ажралишлар сони бўйича Тошкент шаҳри (8,8 фоиз) ва Жиззах(3,8 фоиз) етакчилик қилади. Кейинги ўринларда Самарқанд (8,8 фоиз) Навоий(7,6 фоиз), Андижон (6,9 фоиз) вилоятларида энг кўп ажримлар қайд этилган. Кимлар учундир бу кичик статистикадир. Лекин улар сабабли етим қолган ҳар бир боланинг тақдир арзимас нарса эмас. Давлат томонидан етарлича шарт-шароит яратилгани билан уларга ота-она меҳрини ҳеч ким бера олмайди. Бугун билиб-билмай қилинган хатоларимиз эртага жамиятимизга зарар келтириши мўқарар. Хаёллар оғушида дарвозага етганимда мени жажжи кўлчалар ортимдан кучди...

Кўзлар тўла ёш... Ичимдан бир овоз қичқирди... “Ийглама кўзлари мунчоғим!”

...
Мафтуна АБДУКАРИМОВА.

Онамнинг қўллари дағал, томирлари бўртиб чиққан, бармоқларининг териси ёрилиб, доим қонталаш бўлиб юради.

ONAMNING QO‘LLARI



— Она, — дейман, — Онажон, — дейман, бугун уйга дугоналарим келишади, гурунгимиз бор, келасизми?

Онам дарров муддаомни англайди.
— Майли болажоним, бораман, — дейди итоаткорона мулоиймлик билан. Мен дугоналарим олдида бемалол яйраб ўтиришим учун болаларга қараб тургани атай узоқ қишлоқдан автобусда 2-3 соатлик йўл босиб келади, шўрлик.

Ох, онажоним-а! Олтмишга кирибди ҳамки, фарзандларининг хизма-

тидан бўшамайди. “Онажон” деган сўздан ийиб кетаверади. Биз эса хузур-ҳаловатимиз йўлида худбинларча унинг меҳр-муҳаббатини аямай поймол қилаверамиз.

Унинг ёшида етмиш километрли йўлда автобусма-автобус юриш машаққат, азоб. Силласи кўрийдими, аммо сира билинтийрмайди. Тагин икки кўлида иккита оғир сумкани кўтариб олган. Кўзлари доимгидек меҳрга, соғинчга тўла.

— Келдингизми, онажон, — дейман уни кўргач елкамдаги юк ағдарилди. Ахир энди бемалол ўтирсам бўлади-да.

— Укангнинг уйига қарагани одам йўқ эди. Ҳар қалай янги ҳовли, ҳали эшик-деказаларига ҳам қулф ўрнатилмаган. Келгунча кутиб турдим. Шунга бироз ушланиб қолдим-да, болам, — дейди у айбдорона.

— Майли онажон, майли. Келинг, кирақолинг, — уйга етаклайман. Йўлда қийналмадим, чарчаб қолмадим, соғлиги яхшими, қорни очми-тўқми — бу ҳақда сўрашни ҳам унутаман.

Онам меҳмонхонага эмас, тўғри ошхонага йўналади.

— Болаларингни шу ерга олиб келақол. Ош-овқатингга ҳам қарашаман. Сен бор, дугоналарингни ёлғиз қолдирма, кутиб қолишгандир.

— Раҳмат, онажон, — дейман. Азбаройи қувонгимдан кучиб, юзидан ўпаман. Онам шодланиб кетади, сочларини силаб, эркалайди. Кейин сумкасидаги жиззали патирлардан, мева-чевалардан кўлимга тутқазади:

— Қишлоқнинг неъматларидан ҳам тотиб кўришин.

Онам қачон келса, сумкасида жиззали патир бўлади. Яхши кўрганим учун атай пишириб келади. Келишини сўраб телефон қилганимда, сахар туриб хамир қорган бечора онам. Аммо мени

бу ҳақда ўйлаб кўришга вақтим йўқ, ўзимдан, ташвишимдан бўшамайман.

Гурунгимиз авж олади. Беармон ўйин-кулги қиламиз. Онам эса ошхонада тиззасида болаларим, кўлида капгир. Ҳар чиққанимда, “Яхши ўтирибсизларми”, деб сўраб қўяди.

— Жуда-жуда зўр, — дейман ҳеч хижолат чекмай.

Ўйин-кулги поёнига етиб қолганида, дугоналарим онамни сўраб қолишади: “Дастурхонга дуо қилиб берсинлар”.

Аммо онам унамайди:

— Қўй, мени хижолатга қўйма, қизим. Шаҳарлик дугоналаринг ёнида сени ҳам изза қилишни хоҳламайман. Қўлларимдан уламан...

Онам қаерга бормасин, доим қўлларини яшириб юради. Оғир ва тинимсиз меҳнат, машаққатнинг жабрдийдаси бўлганбу қўллар қаршисида аслида биз фарзандлар уялишимиз керак эмасми? Мушטיפар онам эса болалари ҳаётини бекаму-кўст қилаётган бу қўллари билан ҳар қанча фахрланса арзийди.

Онамнинг қўллари дағал, томирлари бўртиб чиққан, бармоқларининг териси ёрилиб, доим қонталаш бўлиб юради...

Ирода ОРИПОВА,
Бухоро вилояти.

OTMAGAN TONG

Хархаша қилиб, нонни улоқтирган Нозимани бувиси қаттиқ койиди:

— Нонни отма, кўр бўласан.

Тўрт ёшдан ошиб, эсини таний бошлаган қизалоқ шоша-пиша нон ушоқларини олиб, юз-кўзларига суртди. Кейин ҳайрат билан сўради:

— Бобом ҳам нонни отган-ми?

Савол Ҳалимжоннинг юрагига наштардек санчилди. Ўзини эшитмаганга олди.

Бу воқеаларга ўн йилдан ошди. Ҳозир ҳайхотдек ҳовлида ёлғизликдан ёрилиб кетай деб ўша кунларни эслаб ўтирибди. Умр ўтаверар инсон кўникар экан. Малака оширишдан пурвиқор тоғларни, сайраб тонгни уйғотадиган булбулларни соғиниб қайтганди. Тиниқиб ухлагач қушлар нағмасига қулоқ тутиб ётарди. Ҳалимжоннинг тонги бошқа отмади. Эрталаб турганида атроф зим-зиё эди, кўзгалмоқчи бўлди. Оёқлари бўйсунмади. Қўлларига таяниб ўтиришнинг урдасидан чиқолмади. Оёқ-қўли ишламай, ёруғ дунёни кўрмай икки ойга яқин ётди. Эскичадан дейишганига бормаган фолбину қушночлар қолмади. Қанча қора товук, ола қўчқорлар сўйилди. Наф бўлмади.

Оёқ-қўллар соғайди. Кўз курғур бутов. Нонни юзларига сурган бийрон тили набирасини кўрмаган. Углини ўтиришганида ўзи кўролмаган тўй татимади. Дардига шерик бўлгандек кун бўйи ёмғир қўйди. Ёлғиз тўнғич набираси Нозимани ўз кўзлари билан кўрган. Элас-элас эслайди. Қолган набираларини басират кўзи билан танийди. Хатоларини боши ёстиққа теккач тушунди. Ҳозир бемор ҳақида эшитса ҳамроҳ топиб қўргали ошиққа.

Инсоф, оқибат йўқолиб кетаётганидан тинимсиз нолийдиганларнинг ҳолига қарасанг қулгинг келади. Ихтиёр аксини ўйлади, сўзларидан тавоф қилиб юборай дейсан. Арзимас ақчага юзубан кетганидан, хафсаланг пир бўлади. Тўшака микланганида хабар олмади. Бормаган дўхтири қолмади.

Кўп ўтмай акиси оғир дардга чалинди.

Ҳалимжон тез-тез ҳол сўраб турди.

— Уялтирдинг. Соғайиб олай, ёлғизлатиб қўймайман.

— Борлигингиз бахтимиз. Ўзингизни асранг.

Сал оёққа турган Ихтиёр ака ваъдасини унутди, ичкиликка муккасида кетди. Ҳалимжон гинасини ичига ютди. Бошида бори пешонасига тушади. Шукр ичида яшади. Севинчи қайғунинг соясида қолиб кетади. Ихтиёр ака фарзандсизликдан дард чекарди, хотинининг ҳомиладорлигидан беҳабар кетди.

Ҳалимжоннинг юраги сиқилди. Пайпаслана-пайпаслана деворни чама қилиб ўрганган йўлидан ташқарилади. Куртак ёзиш арафасидаги дарахтларнинг хушбўй ифори димоғига урилди. Кайфияти чоғ бўлди. Хиргойи қилиб кўрди. Моғор босган қарахтлик бостириб келарди. Уйламасликка тиришди. Ҳадик ва хавотир билан акасидан қоладиган ягона зурриёд ҳақида ўй сурарди. Зулмат кўйнига қўл сермади. Болалиги коптонинг ортида қолди. Гоҳ мақтаб, гоҳ койийдиган катталар баъзан ўйинга қўшилиб кетарди. Жанжал чиқиб, калтак ёйиш кўп бўлган. Бугун ёшлар вақтини беҳуда кетказмайди. Болалигида кимдир “Ихтиёрнинг ўзи бўлибсан”, деса боши осмонга етарди. Йиллар ўтиб, фикрлари ўзгариб борди.

Акасининг кўнглига озор бериб қўйган пайтлари бўлди. Ҳалимжон мусофирчиликда меҳрга тўймаган талабалик даврларини хотирлашни истамайди. Урушдан ногирон бўлиб қайтган отасига дилини ёрмасди. Бир гал акасига кўнгли очиб, туйғулари чил-чил бўлгач, таъна тошларини ёғдирганди.

Кўча эшик тақиллагандек туюлди. Ҳалимжон кўзларини пирпиратиб қулоқ тутди. Жимжитлик. Икки нафар фарзандидан тугилмасидан айрилганди. Ҳозир 5 фарзанд, 11 набираси бор. Бўйнига осилиб эркаланишса, кўзида ёш билан от бўлиб, уй айланади. “Суюнчи” сўзини



— Бобом ҳам нонни отган-ми? Савол Ҳалимжоннинг юрагига наштардек санчилди. Ўзини эшитмаганга олди.

Бу воқеаларга ўн йилдан ошди. Ҳозир ҳайхотдек ҳовлида ёлғизликдан ёрилиб кетай деб ўша кунларни эслаб ўтирибди. Умр ўтаверар, инсон кўникар экан. Малака оширишдан пурвиқор тоғларни, сайраб тонгни уйғотадиган булбулларни соғиниб қайтганди.

қачон эшитаркан? Хушхабар қанчалар мароқли! Машъум ҳабарда, ўзингни айбдордек ҳис қиласан.

Холасининг қазо қилганини шифонадаги онасига айтишга қийналган.

— Мазаси йўқ экан. Сизни йўқлашпоти.

— 3-4 кунда чиқаман, кўриб келамиз. — Бугун боришингиз керак экан, — каловланганди.

Отаси илғади, ноқулайлик барҳам толди. Ихтиёр ака таҳорат пайтида жон таслим қилди. Жума намозидан

кейин жанозаси ўқилди. Ҳалимжоннинг тўнғичи қарзларини бўйнига олди. Болаларининг ҳаммаси “отамлаб” йиғлади... Соат тунги иккига яқинлашганда хотини билан ўғли кириб келди.

— Нима бўлди? Иккиси ҳам яхшими? — Табриклаймиз.

Шу куни улар тонг отгунча ухламади. Қувонч оғушидаги Ҳалимжон дардини унутди. Эртасига хабар бутун қишлоққа ёйилди. Табрикларнинг кети узилмади. Хурсандчилигингни баҳам қўрадиганлар борлигининг ўзи БАХТ.

Унинг қўлоғига азон чақириб, пинхон асраб юрган исмини энг аввал ўзи айтади. Ҳалимжон чақалоқни бағрига босар экан, энтиқиб кетди. Қўлчаларидан ушлаб эркалади. Юзини юзчаларига босди. Бахт оғушида сармат экан, атроф рангин товлана бошлади. Митъивойинг оёқчалари кўзига кўринди, кейин кўли, юзи. У кўраб кўйгандек Нозимага ўхшарди.

Тонг отишига оз фуқор қолганди.

Азиз НОРҚУЛОВ.
oilavajamiyat@mail.ru

MULTFILMLAR TAHDIDI: Bolalarimiz aldanib qolmasin!

Болажонларимиз бўш вақтининг мароқли ўтиши, тарбиясида болалар телеканаллари, мультфильм ва киноларнинг алоҳида ўрни бор. Бу борада уларнинг сифати, тарбиявий аҳамияти муҳим аҳамиятга эга. Карантин сабаб бугун болажонларимиз ўқув йилини якунлаб, ёзги таътилга ҳам чиқишди.

Яқинда кўшим эфирга узатилаётган мультфильмлардан унчалик қониқмаётганидан куюниб гапириб қолди. "Кел, болам бошланишидан яхши мультфильмга ўхшашпти, деб томоша қилиб турсак, овоз бериш жараёни талабга жавоб бермайди. Мультқахрамонга боланинг қувноқ овози эмас, катталарнинг овози берилгани шундоқ билиниб турибди. Айримларида дубляж яхши бўлса, тарбиявий аҳамияти кишини ўйлантиради.


Мунира ҚАҲҲАРОВА,
Республика Маънавият ва маърифат маркази бўлим бошлиғи;

— Одатда мультфильмларни болалар учун мўлжалланган, деб қабул қиламиз. Ҳаттоки, уларга ҳар қандай мазмундаги мультфильмларни томоша қилишга рухсат берамиз. Аммо шундай мультфильмлар борки, уларда ўзига хос тажовузкорлик, беҳаёлик, атрофдагиларга салбий муносабатда бўлиш ғоялари ошқора ёки яширин тарзда сингдирилган. Бизга бу ҳолатлар оддий туюлади. Лекин улар болалар онгига сингиб, амалиётга кўчаётганини англаб етмаепмиз. Бола кўриб, эшитиб ўрганади. Тақдидан, ўйламадсан, мазмун ва натижа эса улар учун аҳамиятсиз. Чунки болаларда ҳали таҳлил "чироғи" ёқилмаган. Шу боис улар кўр-кўрона тақлид қилишга мойил.

Минг афсуски, дубляж овозларни катталар бераётганини гапирмай бўлмайди. Қахрамонлар овозида сохталик, қўполлик устунлигини кўришимиз мумкин. Бу ҳолат нафақат катталарнинг гашини келтиради, балки болаларга ҳам салбий таъсир қилади.

Болалар алданяпти! Бу ҳолат болани ёшлиқдан ёлғонга ўргатиш дегани эмасми? Ахир ёлғончилик ёмон иллат, кишини бир кун бошини эгади, деб бизга катталарнинг ўзи ўргатишмаганми? Унда нимани болаларимизга ўргатаймиз?

Дубляжчиларни танқид



қилишдан йироқмиз, аммо бу болаларни кўр-кўрона алдаш эмасми? Ахир фарзандларимизда шу йўсинда кўникма ҳосил қилиб бўлиняптику, қачон бунга эътибор қаратилади? Қачонда қанча санъат мактаблари жориш қилинди.

Болалигидан санъатни амалиёти билан ўргансин дейилди. Нега санъат мактабларидаги иқтидорли ва истеъдодли болалар мультфильмларга овоз беришга жалб этилмаяпти? Устоз-шоғирд аънаналари бу борадаги ишларда кўринмаяпти? Молиявий ҳолатларни сабаб қилиб эртаммиз эгаларининг тақдирини орқага ташлаш яхшиликка олиб келармикан?!

МУЛЬТФИЛЬМ ТАРБИЯ ВОСИТАЛАРИДАН БИРИ

Мутахассиснинг гапларида жон бор. Бугун бутун дунёда болалар, ёшлар тарбиясига, билимга катта эътибор берилаётган бир пайтда, айнан бизда мультфильмлар ишлаб чиқаришга бўлган талаб ва ҳаракатлар анча орқада.

Ҳозирги кунда болажонларимиз севиб томоша қиладиган мультфильмларнинг деярли барчаси Ғарбда ишлаб чиқарилган. Улар орасида кўрчинчи, тушкунликка туширувчи, кичик ёшдаги болаларнинг руҳиятига салбий таъсир кўрсатадиган мультфильмлар етарлича топилади.

Савдо расталарида, беҳаёликни тарғиб этувчи мультфильм дискилари сонсаноксизлигини кўриш мумкин. У ҳам етмагандек бундай мультфильмлар интернет тармоқларида жойлаштирилган. Тасвирда қиз бола ёки аёл эпизодларнинг асарияти очик-сочик кийиниши, севги изғор қилиниши бола ёшига тўғри келмайди. Мисол учун, "Сув париси" мультфильмида севги-муҳаббат "Сув париси" шаҳзодани севиб қолиши тасвирланган. Пари эса денгиз ҳукмдорининг қизи эди.

Шаҳзода сувга чўкиб кетади. Пари Шаҳзодага эришиш учун овозидан кечишга ҳам рози бўлиши тарғиб қилинган. Уйлаб қолсан, бунинг номи мультфильм бўлса, у болаларга нима беришти, нимани ўргатапти... Билганлар бундай мультфильмни болаларига кўрсатмайди. Аммо билмаганчи, ачинарлиси, ҳамма отана ҳам эфирга узатилаётган бундай саҳналарнинг бола тарбиясига салбий таъсир кўрсатиши ҳақида билим, тушунча ва тасаввурга эга эмас.

Яна дубляж соҳасига қайтадиган бўлсак, айнан шу мультфильмдаги Парининг севгилисига қилаётган севги изғори, унга берилган овоз болаларча қувноқлик, самимий кўрсангиз, улар майин, болаларга хос овозлар билан берилганини гувоҳи бўласиз.

Афсуски, "Болажон" телеканалда кўйилаётган "Маугли", "Соҳибжамол ва Махлук" каби мультфильмлар ҳам бундай ҳолатлардан холи эмас!

Уйлаб қолсан киши, шунга ўхшаган севги изғорларидан иборат хорижий мультфильмлари фалон пул сарфлаб таржима қилишдан мақсад нима? Ундан кўра, сеҳру жодудан ҳалос бўладиган бемаъни мультфильмлар ўрнига ўзимизнинг "Зумрад ва Қиммат"ни минг марта томоша қилса арзийди.

лик оҳангиде эмас, худди катталардек, ўзгача ҳис-ҳаяжон билан берилган. Энди, уни 5-6, боринги, 7-8 ёшли қизалоқларимиз кўрса, нимани ўрганишини тасаввур қилаверин! Агарда бу мультфильмни аслини,

таржимасиз кўрсангиз, улар майин, болаларга хос овозлар билан берилганини гувоҳи бўласиз.

Афсуски, "Болажон" телеканалда кўйилаётган "Маугли", "Соҳибжамол ва Махлук" каби мультфильмлар ҳам бундай ҳолатлардан холи эмас!

МУЛЬТФИЛЬМЛАРГА КАТТАЛАР ЭМАС, БОЛАЛАР ОВОЗ БЕРСИН

Мунаввара ЁҚУББЕКОВА,
филология фанлари доктори;
Дубляж — ҳар бир халқнинг сўз санъатини, бойлигини намоен қила олувчи маънавий-маърифий куч ҳисобланади. Бу куч тил, ҳар қандай ёшдаги инсонга ўз таъсирини ўтказа олади. Шунинг учун ҳам у санъат. Фаҳр билан айтиш мумкинки, бизда дубляж санъ-

ати бўйича ўзига хос маҳорат мактаби яратилган. Албатта, бу ютуқлар кўпроқ хориж сериалларига асқотмоқда. Мультфильмларга эмас! Болалар учун олиб келинган мультфильм қахрамонларига овоз беришга келганда эса, бундай ютуқни ҳис қилиб бўлмайди. Мультфильм дубляжи ҳам ҳақиқий санъат бўлиши учун санъаткорларни эмас, ёшига, овозига мос кишиларни жалб қилиш керак.

Эътибор берсангиз бир киши бир нечта қахрамонга овоз бераётгани одамни ғашига тегади. Ахир болаларнинг эшитиш тизими яхши ривожланмаган дейсизми, йўқ, ундай эмас. 6 ёшли набирам мультфильм кўриб ўтирар экан, қахрамонлардан нечтасининг овози бир хилда эканлигини бемалол фарқлаб, айтиб бераолади.

Овоз берувчи мультфильм қахрамонларига болалардек қувноқ, соддадиллик билан овоз берса сунъийликдан бироз йироқлашади. Бордию мультқахрамонга ўхшаш боланинг ўзи овоз бериш янада табиий чиқади, мультфильмни бола мароқ билан кўради, алданиб қолмайди.

ОҚ ҚОҒОЗГА ФАҚАТ ЯХШИЛИКЛАР ЁЗИЛСИН

Ҳахонгир ҚҶЧҚОРОВ,
психолог, саломатлик оила-ва бола психологияси бўйича олий тоифали мутахассис;

Бола гўдалик даврида мияси бамисоли оқ қоғозга ўхшайди. Унга нима айтилса, "оқ қоғоз"га ўхшаб ўша маълумот ёзилиб қолади. Боладаги салбий ҳислатлар ҳам, ижобий ҳислатлар ҳам у билан бўлаётган мулоқотга ва муносабатга бевосита боғлиқ. Оилада болалардан бирон нарсани, тартибни, одатни талаб қилишдан олдин катталарнинг ўзлари намуна бўлишлари лозим. Агарда биз ота-оналар боладан одобли, хушмуомала бўлишни талаб қилсагу бунга ўзимиз рия қилмасак, болаларда бундай хусусиятларни тарбиялаш кийин бўлади.

Мультфильм фарзандларимиз онгига таъсир ўтказувчи кучли восита. Шу боис, бу масалага жиддий эътибор қаратиш ҳар бир ота-онанинг асосий вазифаси бўлиши керак. Бугун болажонларимиз телевизор қаршисига муҳрлиб кўраётган мультфильмларини аввал ўзимиз кўриб, саралаб беришимиз шарт. Акс ҳолда уларнинг онгига тарбиясига салбий таъсир кўрсатувчи қарашлар юзга келиши мумкин. Бу борада телеэкран ортидаги ижодкорлар ҳамда замонавийликка, "даромад топишга" ўч баъзи дисфуршлар ҳам ўйлаб кўрсалар яхши бўларди. Ахир фарзанд тарбиясига ҳаммамиз бирдек масъулмиз.

К. АҲМЕДОВА
тайёрлади.



ASRIMIZ QAHRAMONLARI

Коронавирус инфекцияси ва унинг кенг тарқалиши олдини олиш борасида амалга оширилаётган кенг қамровли чора-тадбирлар жараёнида шахримиз тиббиёт ходимларининг ҳам қўшаётган ҳиссаси салмоқли.

Жорий йилнинг 15 март санасида юртимизда COVID-19 вируси аниқланиб, барча ҳудудларда дарҳол карантин чора-тадбирлари йўлга қўйилди. Жумладан, Олмалик шаҳрида ҳам қатъий тартибда карантин қоидалари ўрнатилди. Бунда тиббиёт, ички ишлар бўлими, миллий гвардия, СЭОМ ходимларининг хизматларини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Шу кунга қадар Олмаликда 816 та оила ва 2 558 нафар фуқаро карантин назоратида бўлиб, уларда инфекция аниқланмади.

Айтиш жоизки, фидойи шифокорларимиз, тиббиёт ходимлари нафақат шахримиз фуқароларига, балки Юқори Чирчиқ тумани ҳамда "Олтин олма" пансионатидаги карантин зоналарида хизмат вазибаларини ўтаётгани эътирофга лойиқ.

Айни кунларда 6 нафар шифокорларимиздан З.Ҳасанова, Қ.Фахриддинова, Ш.Аҳмедов, Б.Раҳмонов, К.Каримқулов, Н.Гаффаров ҳамда 24 нафар ўрта тиббиёт ходимлари, 4 нафар кичик тиббий ходим ва 2 нафар дезинфекторларимиз фидокорона хизматлари таҳсинга лойиқ.

Шаҳримиздаги кўп тармоқли оилавий поликлиника раҳбари, айни кунларда Юқори Чирчиқдаги карантин зонасида Республика штаб-квартираси бошлигининг ўринбосари вазибаларини бажариб келаётган Низомиддин Гаффаров билан онлайн суҳбатда бўлди.

КАРАНТИН ЗОНАСИДАГИ ТАРТИБ

— Энг қисқа вақт ичида пойтахт вилоятининг Юқори Чирчиқ туманида бир вақтнинг ўзига 20 800 кишини қабул қилишга мўлжалланган карантин зонаси қурилди. 15 блокдан иборат бўлган ушбу шифохона-

да айни кунларда карантинга олинганлар учун барча қулай шарт-шароитлар яратилган. Бу ҳудудга карантинга юборилган фуқароларга Олмалик шаҳар тиббиёт бирлашмаси вакиллари ҳам жонбозлик кўрсатмоқда.

Карантин зонаси доимий ўзгарувчан бўлиб, муайян ишлар доимий равишда амалга оширилмоқда. Масалан, биринчи блокда карантинга олинганлар 550-600 нафарни ташкил этиб, бу сон доимий сақланмайди. Чунки одамлар ҳар хил вақтда келишади, карантин даври ҳам бир кунда тугамайди.

Бўлимда 5 нафар врач, 10 нафар ўрта тиббиёт ҳамшираси, 5 нафар буюртмачи, 2 нафар ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идора вакиллари, дезинфекцияловчи воситалар ва умумий ишчилар хизмат қилади. Улар карантиндагилар учун кечаси-ю кундуз хизматда.

Карантиндагиларнинг ҳарорати кунга икки марта ўлчанади ва ҳар беш кунда коронавирус тестидан ўтказилади. Карантин муддати тугаганлар учун махсус ҳужжатлар тайёрланиши ҳам вақт талаб қилади.

КАЛОРИЯЛИ ОВҚАТЛАР

Карантинга олинганлар учун барча шароитлар яратилган. Овқатлар калорияли, иммунитетни кўтарадиган маҳсулотлардан тайёрланган бўлиб, хилма-хил таомномалардан иборат. Вирус тарқалишининг кичик эҳтимолини истисно қилиш

учун озиқ-овқатлар фақат бир марталик идишларда берилади. Кейинчалик улар жуда эҳтиёткорлик билан йўқ қилинади. Карантин зонасида одамлар қоидаларга тўла риоя қилган ҳолда қулай шароитда бўлишлари учун ҳамма нарсалар олдиндан тайёрлаб қўйилади.

14 КУН ДАВОМИДА ОДАМЛАР ХОНАЛАРИДАН ЧИҚИШИ МАНЪА ҚИЛИНДИ

Ҳар бир хонанинг олдида пиёда юриш, тоза ҳаводан нафас олиш, спорт билан шуғулланиш мумкин. Чекловлар ва мажбурий тартиб қоидалар кўп, бироқ булар халқимиз саломатлигини сақлаш учун.

— Биз қаҳрамонлик учун эмас, ўз хоҳишимиз билан шу ердამиз. Бу ерга ишлаш учун фақат кўнгиллилар юборилган. Аммо бу ерда ишлайдиган ҳар бир ходим коронавирус инфекциясини юқтириш хавфининг маълум бир қисмига эга, чунки ҳамма бирон бир тарзда карантиндаги одамлар билан алоқада бўлади, уларнинг ақсариятида коронавирус юқтирилган аниқланмоқда. Баъзан жиддий касалланган беморларни келтиришади, уларни тиббий муассасаларга юборишга тайёрлаймиз.

Олиб келинган

фуқароларнинг вазифаси. Улар ҳозир карантин зонасида муайян хавф остида хизмат қилишапти. Бу ерда кўп нарса уларга боғлиқ, яъни қанчалик эҳтиёткор ва қўрқмас бўлса ўзларига шунчалик фойда. Ҳамшира ва шифокорлар махсус кийимга тезда мослашдилар. Ҳар ўн тўрт кунда тиббиёт ходимлари навбат алмашинишади.

— Яқин кунларда бизнинг ҳам ўн тўрт кунлик сафаримиз якунланади. Мен барча фуқароларимизга фақат ва фақат соғлиқ тилайман. Инсон бу ҳаётда соғлиқни олтинга ҳам сотиб ололмайди. Шундай экан, коронавирус пандемияси ҳеч бир оилага соя солмасин. Бунинг учун доим карантин қоидаларига тўлиқ риоя қилиб, саломатлигимиз учун қайғурмоғимиз даркор, — дейди Низомиддин Гаффаров.

Хурматли юртошлар, соғлом турмуш тарзи, шахсий гигиена, тўғри овқатланиш ва карантин

бемор холати имкон қадар аниқроқ ўрганилиб, уни тўлиқ изоляцияга олишни таъминлаш жуда муҳим.

ҚАТЪИЙ ҚОИДА ВА ЭҲТИЁТКОРЛИК

Одамларга ёрдам бериш, беморларга ғамхўрлик кўрсатиш ҳамшира ва ши-

қоидаларига қатъий амал қилиб, зарурат бўлмаса остона ҳатлаб кўчага чиқманг. Яқинларингиз ва оила аъзоларингиз саломатлиги учун уйда қолинг. Оқ либосли фаришталар — жонқуяр фидойи шифокорлар тавсияларига амал қилинг. Ишонамизки, бу вирусни биргаликда енгамиз.

Дилдора АБДУРАҲМОНОВА.

IBRAT OLISHGA ARZIYDIGAN SERIAL

Сериаллар ҳақида сўз кетганида ижобий жиҳатларидан кўра, унинг салбий томонларини кўпроқ тилга оламиз. Айниқса, гап турк сериаллари ҳақида бўлса, улардаги бемаъни саҳналару менталитетимизга тўғри келмайдиган томонларини айтиб чарчамаймиз. Аммо кўплаб мухлислар олқишу, эътирофига сазовор бўлиб келаётган сериаллар ҳам бор. Шулардан бири “Кинотеатр” телеканалда эфирга узатилаётган “Қасам” сериалидир. У оз фурсат ичида кўплаб томошабинларни ўзига жалб қила олиши билан бирга, халқимиз қалбида илиқ таассуротлар уйғота олди. Журналистика холислигига амал қилган ҳолда, мазкур сериал ҳақида айнан биз эмас, томошабинлар ва сериал иждоқорлари сўзлашини маъқул топдик.

Нафиса Қамарова, Уй бекаси:

– Биз аёллар сериал ишқибозимиз, лекин кино билан кинони фарқиға бориш ҳам бир санъат деб ўйлайман. Бугунги кунда телеканалларимизнинг деярли ҳаммасида камида иккитадан сериаллар бор, уларнинг иккитадан биттаси албатта турк сериалларидир. Улар бизга нимадир бериши мумкинми, дея кўп бора ўйга толаман, саволимга “Қасам” сериалини кўргач жавоб топгандек бўламан. Шу вақтга қадар кўп турк сериалларини томоша қилдим, уларда асосан мода, бизнес, гуруҳлар ҳаёти, ёшларнинг арзимас муносабатлари ёки шунга ўхшаш нарсалар биринчи ўринда турарди. “Қасам” сериали эса бошқаларига мутлақо ўхшамайди. Воқеалар бош қаҳрамон ичган биргина қасам атрофида айланади. У қасамига шу қадар содиқ турадики, “Сўзимда турмасам, Худонинг олдида нима деб жавоб бераман”, дея жабр-ситам ичида қолишига қарамай ҳамма азобларга дош беради. Сериалда бош қаҳрамоннинг имони шу қадар чиройли кўрсатиб берилганки, шу вақтгача бирорта кино ёки сериалда кўлларини дуога очиб, Худога илтижо қилаётган саҳналарни кўрмаган эканман. Ҳеч иккиланмай айта оламанки, қасам нималигини сериалдан ўргандим.

Дарҳақиқат, қасамнинг қийматини билмайдиганлар орамызда кўп уч-

райди. Қасам ичиш жуда осондек кўринади, аммо бизнинг динимизда қасам шунчаки гап эмас, унинг маълум жавобгарлиги ҳам бор. Ислон.уз сайтида “Ёлгон қасам ичиш” сарлавҳали мақолда келтирилишича: «Аллоҳга берган аҳд-паймон ва қасамларини озгина қийматга сотиб юборадиган кимсалар учун охиратда ҳеч қандай насиба йўқдир. Қиёмат кунда Аллоҳ уларга гапирмайди, уларга (раҳмат назари билан) боқмайди ва уларни (гуноҳларидан) покламайди. Улар учун аламли азоб бордир» (Оли Имрон сураси, 77). Мана энди Райҳоннинг бу қадар собитлигини англадим.

Сериал таржимонининг фикрлари ҳам қизиқиб кўрдик:

– Мазкур сериални бемалол оила даврасида томоша қилиш мумкин, – дейди, таржимон Нурилло Нар-

зуллаев.

– Шу вақтгача кўплаб сериал ва кинолар таржима қилдим, “Қасам” сериали бошқаларидан тубдан фарқ қилади. Унда акс этган туркий халқларнинг турмуш тарзига хос бўлган миллий қадриятлари ҳар қандай томошабинни жалб қила олади. Шарқоналик уфуриб турган саҳналарда, ота-онанинг фарзандларига бўлган меҳрини, келин-қайнона (албатта, Жавидоннинг характери бундан мустасно) нинг ўзаро муносабатларини (Райҳоннинг келинлик ҳаёси билан қайнонасига кўрсатган ҳурмати назарда тутилган), қайнота-келининг қадрдонлигини, эр ва хотиннинг ўзлари билмайдиган даражада пинҳона муҳаббатини

кўриш мумкин. Бош қаҳрамонлардан бири Райҳон ҳақиқий шарқ келинларига хос бўлган ибодатчи, ифтихорли, диний тарбияси билан ҳар қандай инсон кўнглидан жой олади. Сериални Райҳоннинг метиндек иродаси, тоғдек сабри энг асосийлиги ичган қасамига бўлган қатъийлиги янада бойитган, дея баҳолайман.

Мубина Алимова, талаба:

– Тенгдош дугоналарим берилиб кўраётган “Севги изтироби”, “Қора ниёт”, “Беқарор”, “Ҳазилат хоним ва қизлари” ва шунга ўхшаш турк сериаллари менда ҳеч қандай қизиқиш уйғотмади. Чунки бу сериал қаҳрамонларининг разилликлари, бир-бирларига қилаётган совуқ муносабати, очик кийинишлари, ёлгонлар орасида яшашлари халқимизга, айниқса, ёшларга ёмон таъсир ўтказди, деб ўйлайман. Бугуннинг ёшларидаги ўзгаришлар нафақат интернетдан, балки мана шундай сериалларнинг оқибати дейишга иккиланмаган бўлар эдим.

“Қасам” сериалини буюм қизиқиб кўрадилар, уларга қўшилиб мен ҳам томоша қила бошладим. Тўғриси айтсам, бошида бу сериал қаҳрамонлари ҳам аввалгиларидек фитна-фасодчи дея газабландим, кейинчалик эса Райҳоннинг сабр-тоқати, тарбиясига ҳавасим келди. Унга ачинаман, унинг ўрнида бўлганимда балки, ҳеч қандай қасам ҳақида ўйлаб ўтирмасдим, жонимни қийнамасдан кетиб қолардим. Баъзан эса ундан сабр-тоқатли, оғир-босиқ, меҳрибон бўлишни ўрганишим керак, деб ўйлайман.

Томошабинлар қалбидан чуқур ўрин олиб келаётган Райҳон образига актриса Зулхумор Мўминова овоз берган. Айнан Райҳонни ўзбек тилида “гапиртира олган” актрисамиз кечинмалари билан қизиқдик:

– Райҳон менга персонаж сифатида, юмшоқ табиат, ўзи учун ўзи курашишга ожиз бир аёлдек кўринди. Мен кўпинча кучли, метинтабиат, оптимист аёллар (ўзимни характеримга мос) образини жонлантирганим боисми, Райҳон менинг табиатимга тўғри келмади. Аммо унинг сабр-матонатига таҳсин ўқимасдан илож йўқ. Кинода бугуннинг ёшлари учун ибрат олиш мумкин бўлган томонлари жуда кўп. Шулардан бири келиннинг қайнона тазйиқи остида эзилиб яшашга бардош қилиши. Бугуннинг келинлари-чи? Айримлари озгина танбех эшитишса, тугунини қўлтиқлаб уйига чопади. Менимча, Райҳондан меҳрибон ва раҳмдил аёл, бардошли келин, сеvimли рафиқа бўлишни ўрганиш мумкин.

Васила ҲАБИБУЛЛАЕВА.

“Sabru sadoqat”

Said bilan Saida haqida

енгилмас гурур ҳақида ҳикоя қилинади. Киносериал 1950-1955 йиллардаги реал воқеаларга асосланган. Режиссёр Ҳамидулла Бобоқулов “Сабуру садоқат” телесериалини Нозим Аббосовнинг “Саид билан Саида” фильми асосида суратга олган.

“Ушбу махсус лойиҳа ҳаммамизга қадрдон «Саид билан Саида» фильмига киритилмай қолган янги саҳналар билан бойитилди. Бу томошабинлар учун Саид Аҳмаднинг 100 йиллик

тўйига ҳақиқий тухфа бўлади. Буюк ёзувчи ҳақидаги сериални суратга олиш эса Нозим Аббосовнинг азгу орзуси эди ва бу орзу эндиликда рўёбга чиқадиган бўлди, – дея таъкидланади “Ўзбекино” Миллий агентлиги ахборотида.

Саид Аҳмаднинг асарлари кириб бормаган уй, қалб бўлмаса керак. Ҳар бир иждоқор, китобни севшини билган инсон борки, Саид Аҳмад асарларини ўқмай катта бўлмаган. Айниқса, ёзувчининг пьесалари шон-шараф

ва машҳурлик келтиргани барчамизга аён. Ва ниҳоят бугун шундай унутилмас асарларни халқига мерос қолдирган адиб ҳақида, унинг ёрқин хотирасига бағишлаб “Сабуру садоқат” фильми суратга олинди.

“Сабуру садоқат” катта экранларга чиқиш тарадудиди. Томошабинлар эътиборига телесериал таққинида ҳавола этилаётган ушбу фильм кутилган натижани беришига умид қиламиз! Демак, “Ўзбекино” Миллий агентлиги ҳамда барча телеканаллар томонидан яқинда эфирга узатилиши кутилаётган махсус лойиҳа – “Сабуру садоқат” телесериалини томоша қилишни унутманг!

Нилуфар МУРОДОВА.

“Ўзбекино” Миллий агентлиги томонидан Ўзбекистон Қаҳрамони, Ўзбекистон Республикаси халқ ёзувчиси Саид Аҳмад таваллудининг 100 йиллигига бағишлаб беш қисмли “Сабуру садоқат” номли сериал эфир юзини кўриш арафасида.

“Сабуру садоқат” “Ўзбекино” Миллий агентлигининг махсус лойиҳаси бўлиб, сериал ёзуви ва унинг рафиқаси Саида Зуннунова ҳаётига бағишланади. Фильмда меҳр-муҳаббат, улкан бардош, кучли матонат, буқилмас ирода,

ORIYAT VA MATONATI USTUN ERKAK

Хали уч кун ишлаб-ишламаёқ Кореядаги йирик ишлаб чиқариш заводларидан биридаги гўштқиймалагичдай йирик ускуна ичида қолиб кетган инсоннинг тирик қолишининг ўзи мўъжиза эди. Ҳа, нафақат атрофдагилар, балки корхона эгалари ҳам бу ускунадан соғ чиққан одамни кўрганида мўъжизага дуч келгандай ҳайратландилар. Фақат бу ҳодисанинг қайгули томонларидан бири шунда эдики, Ботир унинг ичида оёқларини ташлаб чиққанди.

Куч-гайратга тўлган, айна оилами боқаман, фарзандларимни оёққа тургазаман, уй-жой қилиб молиявий аҳволимни ўнглаб оламан, деган ёшда, эндигина 28 ни тўлдирган йигит учун бу кутилмаган зарба эди. Зарбаки, нафақат уй-хаёлларини, балки ҳаётини ҳам остин-устун қилиб юборган бурилиш эди. Орзулар қанотида, катта режалар билан Кореяга ишлаш учун кетган Ботир ноғиронлик аравачасида қайтди.

Оиласи учун ҳам бу зарба ҳаётнинг кутилмаган синови эди. Аммо воқеадан хабардор бўлган ҳар бир киши борки, унинг тирик қолганидан шукрона келтирди, ҳаётдан насибаси узилмаганидан хулоса чиқарди. Демак, бу ҳам тақдирнинг, Яратганнинг бир мўъжизаси, инсон деб аталмиш зотга аталган сирни англаш учун берилган имкониятидир, эҳтимол. Ҳарҳолда Ботир ака ҳаётнинг синовини шундай қабул қилди. Шунинг учун бўлса керак, юртига қайтиб келганидан сўнг ҳам ўзини йўқотиб қўймади. Ишлаб чиқаришдаги бахтсизлик учун корейлик завод эгалари томонидан тўланган товон пули бу ердан уй-жой, шарт-шароит қилиб олиши учун етарли эди. Аввало, яқинлари ёрдамида шу ишлар билан шугулланди. Молиявий аҳволи бир мунча тикланди, аммо бу маблағ хазина эмаски, бир умр ишлатиб ётсанг. Табиийки, яшаш-

нинг шarti меҳнат орқали инсоннинг ҳаётида мазмун ва энг муҳими, кун кечирish учун шароит яратилди. Ботир акада шу аҳволида меҳнат танлови учун имкон мавжуд эмасди. У Самарқанд шаҳридаги "Sino" заводидида касаначи уста сифатида иш бошлади. Заводдан унга музлаткичнинг турли қисмларини келтириб беришар, у эса унинг қисмлари, симларини улаб, маҳсулотнинг маълум бир қисмини тайёр холга келтириб беради эди. Кейинчалик "Эл-Холдинг" корхонасида ҳам шундай, касаначи сифатида ишлади. 15 йил мобайнида ишлаб келган Ботир ака иш ҳажми кескин қисқаргани туфайли ишдан бўшатилди. Мана, ишсиз қолганидан бери, Самарқанд шаҳридаги "Тоғмаҳал" маҳалласи, Али Қушчи кўчасида истиқомат қилувчи Ботир Усмонов бир неча ташкилотларга иш сўраб мурожаат қилди. Унга вилоят бандлик бошқармаси Самарқанд шаҳар аҳоли бандлигига кўмаклашиш маркази томонидан қуйидагича жавоб хати келган:

"Фуқаро Б.Усмонов бугунги кунда соғлиги бўйича 1-гурух ноғирони бўлиб, тиббий-меҳнат экспертизаси комиссиясининг (ТМЭК) хулосасига асосан меҳнатга лаёқатсизлиги, ўзгалар парваршишга муҳтожлиги кўрсатилган. Унга Ўзбекистон Республикаси "Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида"ги қонуни ва



Зарбаки, нафақат уй-хаёлларини, балки ҳаётини ҳам остин-устун қилиб юборган бурилиш эди. Орзулар қанотида, катта режалар билан Кореяга ишлаш учун кетган Ботир ушбу давлатдан оғир хаёлларда, ноғиронлик аравачасида қайтди.

Ўзбекистон Республикаси меҳнат вазирлиги томонидан тасдиқланган, Адлия вазирлиги томонидан 2012 йил 831-2 сон билан рўйхат рақами билан ўзгартириш киритилган "Меҳнат бўлимларида фуқароларни рўйхатга олиш, уларни ишга жойлаштириш, ишсизлик нафақасини тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида"ги низомага асосан ишсиз деб эътироф этилмаслиги ҳамда марказ томонидан иш билан таъминланмаслиги тўғрисида тушунтириш берилди".

– Тўғри, мен аравачада ҳаракатланаман, тўлақонли яшаш тарзига эга эмасдирман, аммо қўлларим бутун-ку, – дейди Ботир Усмонов. – Менга иш фақат моддий манфаатдорлик учунгина эмас, балки ўзимни тўлақонли одамдай ҳис қилиб яшашим, ҳаётимнинг ўзагини йўқотиб қўймаслигим, оилада ўзимни оила бошлиги, қолаверса, эркакдай ҳис қилишим учун керак, ахир! Турмуш ўртоғим, фарзандим ишлайди, оила бошлиғи сифатида бекорчи бўлишимдан уялман, тўғрисида.

Эҳтимол, ишсизлик муаммоси жамиятимизнинг оғрикли нуқталаридан бири бўлиб турган, ҳатто соғлом одам ҳам иш топиши қийин бўлиб турган паллада Ботир акага ўхшаган инсонларни иш билан таъминлаш, уларга кўшимча шарт-шароитлар яратиш масаласи янаям каттароқ муаммодир. Аммо... Ўйлайманки, Ботир аканинг ҳаракатчанлигини кўрган соғлом, аммо иш топишда қийналаялман, деб ўйлайдиган ҳар қандай инсон бу фикрининг нотўғри эканлигини тан олган бўларди.

Гарчи у яшайдиган кўп қаватли уйларда ноғиронлик аравачаси ҳаракатланиши учун шароит бўлмасда, ҳар куни учинчи қаватдан ўзи тушиб, тоза ҳавода сайр қиладиган, кўлидан келса, одамлардан ёрдами аямайдиган матонатига қўни-қўшилари ҳайратланиб қарайди.

«МУСОР НЕ БРОСАТЬ! ШТРАФ 100000 СУМ!!!»

devorlardagi ogohlantirishlar, qog'ozdagi takliflar nihoyat hayotga ko'chdi

таклифу ташаббуслари айтилмади, дейсиз. Аммо бу гапларнинг қанчаси қоғозда, қанчаси оғизда қолиб кетгандай ўша йиллари. Белгиланмаган жойга чиқит ташламаслик учун фақатгина фуқаро маданиятининг ўзи кифоя қилмаслиги, кўча, хиёбонларда чиқинди қутилари ўрнатилиши, уни олиб кетиш учун тегишли транспорт доимий ишлаши лозимлиги, чиқиндиларни турларига қараб ажратилиши, бу борадаги хорик таърибаси ҳақида ўнлаб мақолалар чоп этилганига ўзим гувоҳман. Аммо аҳвол кўпая олдинга силжимади, негадир. Қайси ташкилотга мурожаат қилмайлик, бу масала унга тегишли эмасдай йўл тутуши масалани янада чигаллаштирар, унинг ижроси кимга тегишлилигини билолмай муҳбир хуноб бўларди.

Бугун чиқинди масаласи билан шуғулланаётган ташкилотларнинг, унга масъулларнинг кўпайганини кузатиш мумкин. Кўчаларда аввал кичик, кейин аҳоли гавжум жойларда каттароқ, одам қараса уялмайдиган, таъби хирани тортмайдиган қутиларнинг пайдо бўлганини кузатиш. Кейинроқ қутилар атрофи учун бежирим уйчалар қад ростлагани кўзимизни қувонтирди. Маҳаллаларга ҳар ҳафта чиқинди ташиш учун тегишли транспортлар

қатнови йўлга қўйилганига аллақачон кўникиб қолдик. Аста-секинлик билан бу масала бўйича тизим яратилди. Ҳозир чиқинди бўйича бир неча масъул ташкилотлар борлиги ва улар доимий равишда ўз фаолиятини олиб бораётганига, аҳолига зарур ахборот етказаяётганига гувоҳ бўлмоқдамиз. Энг муҳими, аҳоли эътибор қилиб қилмай содир бўлаётган бу ўзгаришларга давлат томонидан миллиардлаб пул ажратилди. Оғизда осонгина айтиладиган ишлар, қоғозда ҳисоб китоб қилса кўпчилики ўйлантриб қўядиган рақамлар билан содир бўлди. Шунинг учун бўлса керак, бугун бежирим чиқинди қутиларга ташлашга ҳам эриниб, унинг эътибор қилиб қилмай ташлаб кетаётганларнинг ҳаракатини юқоридаги ишларнинг жуда катта маблағ эвазига, қанчадан-қанча инсонларнинг заҳматлари туфайли содир бўлаётганига нисбатан ҳурматсизлик деб баҳолаш мумкин. Энди бу ҳолат ростакамига баҳоланаётганига яқинда кўзим тушди. Уни ўқирканман, ҳақиқатан ҳам тақлиқларга эътиборсизлик қилган одам, мавжуд шароитни ҳурмат қилмаган инсоннинг қилмиши хуқуқий баҳолашидан хурсанд бўлдим.

Жумладан, вилоят экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бошқармасининг расмий телеграм каналида қуйидагича ахборот берилди:

«Самарқанд вилояти Нарпай тумани "Мушкент" маҳалласида яшовчи фуқаро Қ. И. ўз уйдан ҳосил бўлган қурилиш чиқиндиларни маҳалла ҳудудида тўплаб очиқ аланга олдириб ёқиб юборгани аниқланди ва унга нисбатан тегишли чоралар кўрилиб, 111.500 сўм жарима белгиланди. Қўшработ тумани "Зармитан" МФЙда яшовчи фуқаро С. Б. эса ўз уйдан ҳосил бўлган манший чиқиндиларни маҳалла кўчасининг четига ташлаганиги аниқланди ва унга нисбатан Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 91-моддаси 1-қисми билан базавий ҳисоблаш миқдорининг 1 баробари (223.000 сўм) миқдориди жарима қўрилди».

Биз узоқ йиллардан бери кўча-кўйда кўзимиз тушадиган оғохлантирувчи, тўғрироғи, кўзимизни кўрқитиш учун ёзилган, аммо таъсири бўлмаган бу гаплар ниҳоят амалга ошганидан тўғриси енгил тортидим.

Дарвоқе, ушбу расмий каналда айтилишича, «Чиқиндини белгиланмаган жойга ташламанг. Жаримаси бор» каби ўзбек тилидаги ёзувлар ҳам керакли ҳудудларга илиб қўйилаётган эмиш. Буниям яхши ўзгариш десак бўлади.

Саҳифа муаллифи
Гулруҳ МҮМИНОВА.

oilavajamiyat@mail.ru



Ёдингизда бўлса, шаҳар кўчаларининг аҳоли гавжум яшайдиган ҳудудларида, кўп қаватли уйларнинг олдидаги чиқинди атрофи, пана-пасткамрок деворларда «Чиқинди ташламанг, жаримаси юз минг сўм» каби ёзувлар (мудом русча ёзиларди: «Мусор не бросать! Штраф 100000... сум!!!»). Ҳар ҳолда мен ўзбек тилида бундай ёзувларни ўқимаганман.) бўларди. Чиқиндиларни белгиланмаган жойга ташлаётганларнинг ҳаммаси бу ёзувни ўқирди, аммо зиғирча ҳам истиҳола қилмай, чиқинди ташлаб кетарди.

Бу ҳақда эҳ-ҳе қанча мақолалар ёзилмади, қанча журналистларнинг, мутасадди ташкилот вакилларининг

Тахририятга келган мактубларни бир-бир ўқир эканман, Бўстонлик туманидан мактуб йўллаган Зухра опанинг дилномаси бугунги кунда долзарб масала эканини сездим. Шунча азоб-уқубатни бошидан ўтказган юртдошимиз, яна истиҳода қилиб, андишани енголмай, зўрға хат ёзибдилар. Қўйида сиз яна бир дилдошимизнинг дардларини ўқишингиз мумкин.

“Оиламизда тўрт нафар фарзандимиз. Мен ва Фотима опам оиланинг катта қизларимиз. Иккита укам бор. Опам тикувчилик касбини эгаллади. Қўли гул чевар бўлганидан сўнг, ўн саккизга кирмасидан совчилар қўйишмади. Бир кўча нарига турмушга чиқиб кетди. Мен эса ўқишга кириш учун астойдил тайёрландим. Баъзида кечалари ухламасдан китоб ўқишимни кўрган ота-онам мени Тошкентга ўқишга юборди. Инглиз тили бўйича ўқишга кирдим. Шартнома асосида ўқиганим учун, болаларга уйларига бориб қўшимча дарс ҳам ўтардим. Талабалик пайтим уйимизга бир-иккита жойдан сўраб келишди.

Аммо шартнома асосида ўқишимни эшитиб, ўқишим туғашини кутишмоқчи бўлишди. Опамнинг оиласи унчалик тинч эмасди. Ҳар йили камида уч ой араблаб келиб ўтирарди. Мана, иккита фарзандли бўлиб, алоҳида участкага кўчиб чиққанидан сўнг, анча тинчиб қолди. Ёш узатишнинг оқибатини кўрган ота-онам “Зухрани эрта бермаймиз. Биз боримизда маза қилиб ўқиб олсин, кейин бирор жойга ишга жойлашса уза-таверамиз”, – дейишганди. Афсуски, ота-онам узокроқ қариндошимизнинг тўйларига боришса, мен ҳақимда сўрашибди. Шунда дадамнинг амаки тоғалари, “Менинг ўғлим ҳам Россияга бориб келиб, мана машина олди. Бир-иккита савдо дўкони бор. Ҳозир тадбиркорлик билан шуғулланыпти. Худо хоҳласа, қуда бўлмаси. Қизингни кам бўлмайди. Қариндошчилик ришталаримиз мустаҳкамланади”, – дебди. Дадам ҳам кўпчиликнинг ичиди андиша қилибми, “розиман” дебдилар. “Ота рози, Худо рози” эмасми, ўқишни туғатишимданқў тўйимиз бўлди. Бир туманди турсақда, уйимиз унчалик яқин эмасди. Ҳали ишга кириш учун бирор жойга хужжат ҳам топширмаган эдим. Онамнинг айтишича, қайнонам “ўғлимнинг ўзи зўр жойга ишга жойлаб қўяди” – дейишибди. Аммо келин бўлиб тушган жойимда уй ишларини қиладиган одам йўқ эди. Қайнсингилларим ҳам турмушга чиқиб кетишганди. Қайни укам эса, Россияда ишларди. Шунинг учун аввало келинлик вазифамни бажарай, уйга овсин келса ишга чиқаман, деб уй юмушларига шўнғиб кетдим. Ҳам ҳомиладор бўлганим учун қачонки фарзандим боғчага чиқса, кейин бемалол ишлайвераман дердим. Уйлаясизки, бу қизнинг хаёти жуда чиroyли экан, яна нимадан нолияпти деб. Ҳаммаси қизимиз туғилганидан сўнг бошланди. Турмуш ўртоғим савдо дўконларини бошқариш билан бирга, енгил автомобилда Тошкентга қатнарди. Негадир шу кунларда уйга кам келадиغان одат чикарди. Сабабини сўрасам, “мижоз билан юрибман”, – дерди. Нима қилардим, биз учун, ота-онаси учун ишлаяптида,

депман. Аммо кўшнларнинг “Эринг ҳар куни турли туман қизларни машинасида миндириб юради. Хабаринг борми?” деган саволлари ичимга гулгула сола бошлади. Агар бу ҳақида эримга оғиз очсам борми? “Мен бир таксичи бўлсам, нима энди одамларни ҳам танлаб миндирайми?” “Эшакнинг хизматини қилу пулини ол” деган. Қизларни бошимга ураманми?” – дерди. Қайнонам ҳам, “эринг ҳар куни рўлда юради. Ҳайдовчини асабийлаштирмаслик керак. Худо кўрсатмасин, сенга аччиқ қилиб, тезликни ошириб қўйдаса борми?”, – дея кўрқитишарди. Хуллас бора-бора эрим ҳафтада бир келадиغان бўлди. Негадир қайнотам ва қайнонам ҳам индашмасди. Худдики, улар ҳаммасидан хабардордек. Охири сабрим тўлиб:

– Биласиз, яна ҳомиладорман. Баъзида у-бу нарсалар егим келади. Уйдагиларга айтишга уялман. Рўлда бўласиз деб сизга тинмай кўнгирак қилишга ботинолмайман. Нега уйга келмай қўйдингиз? – дедим ётиги билан.

– Ҳозир фақат Тошкентга қатнаганим йўқ. Баъзида туристлар келиб қолса бошқа вилоятларга саёхатга олиб бориб келяман. Улар билан меҳмонхонада ухлайман. Хавотир олма. Жуда бўлмаса, керагича пул бераман. Шаҳнозани олиб уйлариңа бориб тур. Сафардан қайтишимда ўзим олиб келаман, – деди. Мен бўлса уйимга боришимни эшитиб жуда хурсанд бўлиб кетгандим. Балки турмуш ўртоғим мендан хавотир олиб шундай қилаётгандир деб ўйладим. Эрталабдан нарсаларимни йиғиштириб онамникига жўнадим.



“ALIMENTXO‘R EMASMAN, AMMO...”

Аммо ота уйингга ҳам уч кун сизгаркансан. Онам “уйингга қайт, кудаларим овқатсиз қолиб кетгандир”, – деб қўймади. Турмуш ўртоғимга ҳам хабар бермай уйга келдим. Мени кутмаган шекилли қайнонам:

– Отангизникига бир ҳафтага сигмадингизми? Бунча эрта қайтдингиз. Биз дадангиз билан эртага Тошкентга кетмоқчи эдик. Эрингиз ҳам шу ёқда бўлади. Шу бир ҳафтагина онангизникига бориб туриңг. Қайтгандан чақирамиз, – дея ортимга қайтариб юборди. Мен бечора қайнонам ҳам рухсат бердик, дея яна ортимга қайтибман. Шундан сўнг орадан бир ой ўтдики, мени олиб кетгани ҳеч ким келмади. Қайнонамга кўнгирак қилсам, шаҳардаимиз деб баҳона қиларди. Эрим бўлса, бир Бухородаман, бир Хоразмдаман дерди. Баъзида қизимнинг бувим-

га бораман деб қилган хархашалари учун уйга борардим. Ҳар доимидек совуққина кутиб олган қайнонам эримнинг сафарда эканини айтарди. Хуллас то ўғлим туғилгунча эримни кўрмадим. Узокроқ бўлса-да қариндош эмасмизми? Бир куни дадам:

– Қизим, одам тақдири нима бўлишини билмас экан. Эринг шаҳардан бошқасига уйланиб олибди. Фақат буни тўғри қабул қил. Истасанг ажримга ариза бер, истасанг болаларни отасидан айирма, – дедилар. Худди шок ҳолатига тушиб қолгандай анграйиб қолдим. Ҳа, эрим баъзи-баъзида таксичилардан пул жўнатиб турарди. Аммо бундай қилганини нега билмадим. Нега бирор сабабсиз? Хуллас бошимни уришга девор тополмасдим. Бир ёқда боғча ёшидаги қизим, бир ёқда ҳали уч ойлик бўлмаган ўғлим... барибир инсон зоти

кўникиб кетавераркан. Ўша кунийқ уйимдагилар билан қайнонамникига бордик. Ўзимни қўлга ололмай анчайин аю ханнос солдим. Мени бахтсиз қилгани учун мени “уч талоқ” қилди. Қарангки, ўша куни эрим ҳам уйга келган экан. Ота-онасини беҳурмат қилганим учун мени “уч талоқ” қилди. Кўнглимни ер билан битта қилиб, ҳамма нарсамни йиғиштириб қайтиб келдик. Хулласки, турмуш ўртоғим нега бошқа аёлни танлаб кетганини билмадим. Ўша кундан бошлаб уйимизда яшай бошладим. Онамнинг ҳовлисида ҳам битта келин бор эди. Катта укамни уйлантиргандик. Кичик укам шаҳарда ўқирди. Кўнглимга малҳам бўладиغان ҳам шу укам экан. “Опа, поччамни кўп марта шаҳарда қизлар билан юрганини кўрганман. Аммо сизга айтишга ботинолмасдим. Ундай одам учун ўзингизни касал қилманг. Жиянларимизни ўзимиз катта қиламиз”, – дерди. Кўнглим анча юмшаб қоларди. Афсуски, тўйимиз бўлгунча қариндошликни боғланглар деб қолган яқинларимиз ажримизни бўлишини томоша қилиб туришди. Бир йил ўтмасдан қонуний ажрашдик. Турмуш ўртоғимни ҳам охириги марта ўшанда кўргандим. Менику майли, болаларини ҳам қўлига олмаган эркак билан ажрашаётганимдан хурсанд бўлгандим. Ушандан кейин суд ҳар ой болаларимга алимент пул белгилади. Ишонасизми, икки боламга икки юз эллик минг сўм пул олардим. Фурур қўймайдида, ҳатто шу пулни олишга ҳам ор қилардим. Ўзим олий маълумотли бўлсам, болаларимни ҳеч кимдан кам қилмайман дердим. Аммо болалар катта бўлгани сари ташвиши ҳам кўпаявераркан. Шу пулни ҳам етти ой тўлиқ олдим, холос. Шундан сўнг эрим негадир пул жўнатишни тўхтатди. Беш ойгача пул келмади. Охири яна туман судига бордим. Борсам, “Эрингиз ўзи бир фермернинг қўлида сувчи бўлиб ишлайди. Қонун бўйича ойлиғига қараб алимент пул чиқарилган. Қиш мавсумида ойлик камайган. Яна суриштирмиз”, – дейишди. Ахир машина, савдо дўконлари бор одам қандай қилиб сувчи бўлиб ишлаши мумкин деб ўйлардим.

Саволлар гирдобидан чиқиб кетолмадим. Ва алимент масаласида бошқа судга мурожаат қилмадим. Ўзи шундоғам қайнонам ҳамма қариндошларга, “мана иккита туғиб олди-да. Энди ҳар олти ойда ўғлимни судга бериб, юргизгани қўймапти, дея ёмонлапти. Пулга тўямас экан бу. Ўғлим кучоқ-кучоқ қилиб олиб берибди. Пулни тўхтатган куни яна суд идорасига қолади”, – деган гаплар чиқарди. Болаларимни боғчага жойлаб, ўзим ишга чиқдим. Шукурки, рўзгоримиз ҳаминқадар етиб турибди. Нима бўлса ҳам, мана шундай одамларга инсоф берсин дейман.

Бу мактубни жуда хижолат бўлиб ёздим. Юқорида айтганимдек, алиментхўр эмасман. Аммо болаларининг ҳақи эди...”

Зухра опанинг сўзларини Кумуш оққа кўчирди.


Қизи Азизага келган совчиларга розилик беришди-ю Нафисанинг боши қотиб қолди. Қиз чиқаришнинг ўзи бўладими. Мана, икки ойдирки, турмуш ўртоғи Шермирза ишга бормаяпти. Ишхонасида карантин. Эркак киши ишламаса, рўзгордан барака қочаркан. Устига-устак катта қизини унаштириб қўйишган. Қудалари тўйни тезлаштиришяпти. Кам-қўсти ҳали жуда кўп. Тўйлар ихчамлашгани билан ҳали мебелларини олиши керак. “Бугун тоғасини чақиртирсам, сигирни сотиб келсин, оқликсиз қолсак ҳам ҳарна бир ташвишдан қутулиб турамыз-ку. Қани, дадаси билан маслаҳатлашай-чи, нима деркинлар...”, деган ўйда ошхонадан чиқаётган маҳалли қўшниси Рисолат буви катта ўғли Самандар билан эшикдан кириб келишди.

Нафиса меҳмонларга пешвоз чиқди. Рисолат холани анчадан бери кўрмаганди. Илгариги муштипар қиёфаси ўрнини қатъиятлик билан эгаллабди. Самандар эса тумандаги энг обрўли шифокорлардан бири. Уларни Шермирза ётган хонага бошлади. Дастурхон ёзиб, чой қўйди. Ҳолаҳвол сўрашгач, ошхонага чиқиб, иссиқ овқатга унади. Шу асно кўз олдига қайнонаси раҳматли Хайринисо буви келди. Рисолат хола билан жуда иноқ эдилар. Қайнонасида кейин Нафиса қўшничилик ришталарини бутунлай узиб юборганди. “Ушанди ёш экманда, одамларнинг қадрини билмаганди”, деган ўйда хотираларга берилди...

... Қайнонаси Хайринисо буви жуда болажон эди, бутун маҳалланинг ўғил-қизини ҳовлига йиғиб оларди. Янги келинчақлик пайтида Нафиса кечгача ҳовлини йиғиштириш билан овора бўлар, бир тарафини тозалагунча болалар ҳовлининг бошқа тарафини тўзатиб юборишарди. Устига-устак ҳар кун қайнонаси кўни-қўшниларига бир-икки коса овқат илинмаса кўнгли жойига тушмасди. “Бунақада уйимизда барака бўладими?” дерди Нафиса эрига. “Кўявер, ярим коса овқат билан камбағал бўлиб қолармидинг”, деган жавобни эшитиб, тагин хуноби ошарди. Хайринисо буви эса: “Болам, сиз оғринманг, баракани Худо беради. Қўшниларига оқибатли одам кам бўлмайди”, деб насиҳат қиларди.

Унга сира ёқмайдиган нарса шу эдики, қўшни аёллар тап тортмай бос-тириб кириб келаверишарди. Уларга чой қўйиб, дастурхон ёзмаса бўлмайди. “Оқибатли бўлиш ҳам қурибгина кетсин, – деб ўйларди у. – Бу ўйда сира тинчлик йўқ”.

OQIBATLI QO‘SHNILAR



– Мана, Хайринисо опам айтган кунларга ҳам етдик, – дея ўғлининг гапини давом эттирди Рисолат хола. – Қўшним берган пулларни тийин-тийинигача ҳисоб-китоб қилиб ёзиб юргандик. Аввалроқ қайтармаганимизга сабаб Хайринисо опам раҳматли: “Ташвишларингдан қутулиб олгунингларча невараларим катта бўлишади. Уларни уйлаб-жойлашда, узатишда Шермирзамга суяниқ бўлинглар”, деб васият қилган эдилар. Азизахоннинг тўйини бошлаб қўйибсизлар. Шунга Самандарим йиққан-терганларини ўртага олди. Насиб этса, тўйда нима хизмат бўлса, барига туриб беради. Ҳозирча манавини олиб, кам-қўстига ишлатинглар...”

Рисолат хола қоғозга ўралган пулни Шермирзамга узатди.

– Ношукур бўлма, ойим энг аввал иккаламиз билан болаларни ўйлайдилар. Худога шукур, маошим яхши, шундан кўнглиллари тўқ.

Қўшлари катта бўлишгач уларга ўзича тарбия берди: “Бувинг эски замоннинг одами, эскича ўйлайди, ҳозиргиларга яхшилик қилиш шарт эмас. Барибир ҳеч ким миннатдор бўлмайди. Ҳаммаям иши битгунча: “Сиз яхшисиз, деб кўзингга мўлтирайди. Кейин қилган яхшилигингни эслаб ҳам ўтирмайди. Замон шунанга”.

Ўша кезлар ўғилчаси жуда шўх эди. Бувисининг ортидан бир қадам қолмасди. Қишми, ёзми демай кўприқдан ўтиб, Рисолат холаникига югурарди. “Болам бирор кун сувга тушиб кетмасайди”, деб Нафисанинг еган

ичганида ҳаловат бўлмасди. Ўртадаги кўприкни олдириб ташлаш учун баҳона изларди.

Бир йили баҳорда ариқ сувга тўлган паллада қайнонаси бетоблашиб ётиб қолди. Рўзгор бекалигини бутунлай ўз кўлига олган Нафиса дарҳол тахта кўприкни ўрнидан жилдириб, сувга оқизиб юборди-да: “Сув қирғоқчага кўтарилиб кўприкни оқизиб кетибди-я”, деб қутулди. Эридан: “Майли, бошқа тахта топиб кўярмиз”, деган жавобни эшитиб, ранги оқарди. Ўша кунгидея ўқасини чақиртириб: “Жиянинг сув билан уйнашяпти, ариқча тушиб кетса нима қиламан. Тезда бирор тўсиқ қўйиб бер”, деди. Унинг: “Поччам билан маслаҳатлашайлик”, деганига ҳам қарамай, қўшни тарафга сим тўсиқ ўрнаттирди. Кўнгли жойига тушди.

Қайнонаси эса икки-уч ҳафта ҳолсизлибни ётди-ю омонатини топширди. Шундан кейин Рисолат хола билан борди-келди, кирди-чиқдилар ҳам барҳам топди. Тахта кўприк ҳам унутилди...

Нафиса иссиқ овқат олиб кирганида гурунғ авжига чиққан, Рисолат хола билан Самандар қўшнисининг хайрли ишларини эслашаётганди.

– Шундай одамлар борлиги учун ҳам кўнглиларимиз обод-да, – деди Самандар. – Хайринисо холам раҳматли бизга кўп яхшилик қилганлар. Агар у киши ёрдам бермаганида укам иккаламиз ўқишни ташлаб, тирикчиликнинг ташвишига тушиб кетардик. Сизларга билдириб, билдирмай ҳар ойда бизга пул юбориб турардилар. “Бу қарзларни қачон узамиз”, десак, “вақти соати келар”, дегандилар...

– Мана, Хайринисо опам айтган кунларга ҳам етдик, – дея ўғлининг гапини давом эттирди Рисолат хола. – Қўшним берган пулларни тийин-тийинигача ҳисоб-китоб қилиб ёзиб юргандик. Аввалроқ қайтармаганимизга сабаб Хайринисо опам раҳматли: “Ташвишларингдан қутулиб олгунингларча невараларим катта бўлишади. Уларни уйлаб-жойлашда, узатишда Шермирзамга суяниқ бўлинглар”, деб васият қилган эдилар. Азизахоннинг тўйини бошлаб қўйибсизлар. Шунга Самандарим йиққан-терганларини ўртага олди. Насиб этса, тўйда нима хизмат бўлса, барига туриб беради. Ҳозирча манавини олиб, кам-қўстига ишлатинглар...”

Рисолат хола қоғозга ўралган пулни Шермирзамга узатди.

– Буни фақат Азизахонга атаганмиз. Наргиза билан Умиджоннинг тегишини ҳам вақти-соати билан берармиз.

Нафиса нима деярини билмасди. Кўзига қўйилиб келаётган ёшни яшириш учун чойни янгилаш баҳонасида ошхонага чиқди. Шу тобда қайнонасининг илиқ-иссиқ меҳрини ҳис этиб тургандек, кўнгли юмшаб, кўз ёшларини сира тия олмасди.

– Ойижон тинчликми? – деди Азиза. Нафиса уни бағрига босди:

– Қизим, бувинг раҳматли: “Оқибатли одам кам бўлмайди”, дерди. У ҳақ экан. Мен бўлсам шундай оқила Онанинг қадрига етмабман-а, болам...

Ҳамроҳон МУСУРМОНОВА.

OQILONA MASLAHAT

Бир йигит лўли қизга ошиқ бўлибди. Унга уйлансамми, йўқми деб бироз мулоҳаза қилгач, доно бир одамнинг олдига маслаҳатга борибди.

– Менга маслаҳат беринг, – дебди у. – Лўли қизга уйлансам бўлармикин?
– Яхшиси, уйланма! – деб жавоб берибди доно одам ўйлаб ҳам ўтирмасдан.

– Чунки уни севмас экансан.
Бу жавобдан албатта йигит жуда норози бўлибди:
– Нега ундай дейсиз? Сиз менинг кўксимни ёриб кўрмадингиз-ку севмаслигимни қаёқдан биласиз?!

– Агар муҳаббатингга риёкорлик бўлмаганида, иккиланиб, мендан маслаҳат сўраб юрмас эдинг.

INSON G‘AZABLANSA NEGA BAQIRADI?

– Одамлар нима учун бир-бирдан газабланганда бақир-чақир қиладилару севишганлар нима сабабдан шивирлашиб гаплашадилар? – деб сўрашибди шоғирдлари бир донишманддан.

Донишманд жавоб берибди:

– Одамлар газабланганда қалби бир-бирдан опислашиб кетади ва қалби бир-бирдан опислашганлар бақирсалар ҳам бир-бирини эшитолмайди. Севишган инсонларнинг эса қалби муштарак, улар пичирлаб гапирганда, ҳатто умуман гапиршмаганда ҳам бир-бирининг овозини безмаволап эшитишаверади.

Рус тилидан
Байрам АЛИ таржимаси.

HAR BIR QALBDA MUHABBAT YASHAR...

Инсон ҳаётда турли тақдирлар, кечмишу воқеаларга дуч келади. Ва хулоса чиқаради, айримларидан ўрганади, баъзиларини эса унутмади. Шундай инсонлар кечмиши, ҳаёт йўли борки, уларни асло унутиб бўлмайди. Абдулла Қаҳҳорнинг "Муҳаббат" қиссаси юқоридоғи таърифа сазовор десам адашмайман.

Ёзувчининг қисқа ва лўнда сатрларда олам-олам маънони сиғдира олиш қобилияти, асарнинг тили энгил ва равонлиги, китобхонни чалғитадиган чалқашликлар йўқлиги қиссанинг аҳамиятини янада оширган. Адибнинг "Анор" "Бемор", "Ўғри" ҳикояларини ўқимаган одам бўлмаса керак. Ҳикоядан фарқли ўлароқ, қисса ҳажман каттароқ бўлиб, асардаги бош мавзу андиша, меҳр-оқибат, дўстлик ва азалий муҳаббатга бағишланади. Қиссадаги персонажлар гўёки, ён-атрофимизда учрайдиган, биз билган, таниган одамлардек, яқин бир инсон сифатида таассурот қолдириши. Бош қаҳрамонлар Марғуба, Ҳақимхон, Муҳайё, Анвар, Муаттар ва Муборакхонимларнинг образлари турлича талқин қилинган, ҳар бирининг ўзига хос ҳаёт йўли маҳорат билан ёритиб берилган.

Қиссада Марғуба образи воқеалар тизгинини бошқариб турадиган компасга ўхшайди. Чунки Марғуба аёл киши бўлишига қарамастан сабрсизлиги, андишасизлиги билан ҳамманинг юрагига озор берган, биринчи турмуши бўлган Ҳақимхоннинг ҳарбий хизматга кетганида, унга хиёнат қилган ва у қайтганида "Тақдир экан, мен унинг қўлида ўйинчоқман" деган жумлалари ўлароқ, ҳаёт чархпалагининг тақдир ўқи ҳақиқатан ҳам, бу қаҳрамонни ўйинчоқ қилади. У инсон сифатида берилган умр, вақт ва имкониятдан

унумли фойдаланмайди, фақат ўткинчи "сароб муҳаббат" қурбони бўлаверади. Ҳатто оила-сидаги туғишган жигарларига ҳам ўзининг нафс ботқоғига ботган қўллари билан кўп зарар етказди.

Ҳақимхон образи эса алдовлардан эзилган, йигит кўнгли синган, ному-си ва ори, жуфти ҳалоли бўлган аёлининг хиёнатидан боши ҳам бўлган ўзбек йигити. Кейинчалик Муборак билан ришталари боғланиб, қирқ ёшга етганда ота номли буюк бахтга эришган, қизи Муҳайёнинг ишонган тоғи, дардақиши бўлган инсон. Аслида Ҳақимхоннинг кетишига уруш сабаб қилиб кўрсатилган бўлса-да, асардаги инсон садоқати, вафо, муҳаббати синовдан ўтказилгандек, гўё. Чунки мактабда адабиёт фанидан дарс берадиган Ҳақимхоннинг қалбига муҳаббатни илк бор Марғуба солади. Марғубанинг шўх кулгулари ҳамма нарсани унуттиради. Аммо икки қалб бир-бирига қандай оташ билан бесас, тезликда талпинган бўлса, бу ишқ оташи икки йилда сўнади. Оила аталмиш муқаддас туйғуларни менсимган Марғуба на фарзанд кўришга, на ўқиб-ўрганишга, наинки сабр-қаноат, рўзғорда бўладиган кам-кўстларга чидамайди. Турмушнинг муштираги чидамайдиган энгил ҳаёт ва ҳаёсизлик кўчасидан воз кечолмайди.

Анвар шаҳардаги етуқ ва истеъдодли шифокор Муродалининг ўғли, онаси Роҳатбегимдан сўнг отасининг эркасига айланган ёлғиз ўғил. Отаси оғир касалдан оламдан ўтгач, етимлик азоби ва ёлғизлик дардида чидаган, малҳам излаган чоғларида юрагига яқинлаштирган, бор туйғулари билан муҳаббат қўйган инсон сифатида турмушдан ажралган Муҳайёни танлаган мард йигит образи. У ўз муҳаббати учун,



қалбидоғи туйғуларининг эгаси учун қуршади. Бошланасиз, оч қолганда ҳам ўз севгисидан воз кечмайди. Қурашда давом этди.

Муҳайё қиссада кўнглида асло ғубори йўқ, бағрикенг ва меҳрибон инсон сифатида гавдаланади. У жўшқин бир шалола мисоли зилол, гўзалликда тенги йўқ, нафосат ва ҳаёт дарёсига кўмилган фаришта эди. Афсуски, бу қаҳрамонимизни ҳам тақдирнинг нозик йўллари, макрли одамлар тузоғи ўз ўзанига тортади. Салим исмли йигит билан ҳаёт қурган Муҳайё ўринсиз рашқ қурбони бўлади. Табиат бетакрор гўзаллик ва самимий табассум инъом этган бу малақдан Салим бир дақиқа ажралмас, ўринсиз рашқи билан уни сўлитиб борар эди. Ваҳоланки, Муҳайё ота-онанисинг розилиги билан турмуш қурган бўлса-да, муҳаббат урчиб келадиган кўнглини асло сўлдиргиси келмас,

оилага хиёнат қилишни ҳаёлига ҳам келтирмас эди. Бахтга қарши туну кун миясини кемираётган рашқ кўртлари Салимни тамом қилади. Тушларида ҳам Муҳайёни рашқ қилар, тунлар босинқираб чиқарди. Шундай кунларнинг берида ёнида ётган хотинини бўға бошлайди. Ўлдиршига бир баҳя қолади. Ушанда Муҳайёни Муродали кутқариб қолади. Қарахт ҳолатда бўлган Салим ўзига келганда эса қилган ишидан уялади, ота-онасидан андиша қилади. Ва Муҳайёни тўхмат гирдобига ташлайди. "Муҳайё, менга хиёнат қилган экан, тушида бегона эркакни исмини айтиб алаҳсиради" дейди. Муҳайё ор ва номусининг, садоқатининг қадрига йиғлаб ота уйига қайтади.

Воқеалар ривожининг кейинги тўлқини Анвар ва Муҳайёнинг оташин севгиси ҳақида боради. Анварнинг аммаси бўлмиш Марғуба ва унинг бешинчи турмуши бўлмиш ичишга ружу қўйган Жавлон билан биргаликда Муродалидан қолган мерос ва уйга эга бўлиш дардида ўз жиянини ўғай қизи Муаттарга никоҳлашни режа қилади. Ўқимшили, ўзига яраша шахсий зикрига эга Муаттар ғийбатларга ишонмайдиган, ҳақиқатни ёқлайдиган, Ҳақимхоннинг тили билан айтганда, "хийла хушёр, хийла зийрак қиз" эди. Бу образ қисса сўнгидаги асосий роллардан бирини ўйнайди. Анварнинг дўсти, Муҳайёнинг тутинган акасидай бўлиб қолган Наимжон билан биргаликда икки ёшнинг тақдирини муҳим аҳамият касб этади.

Марғуба эса, ўзи қазиған чоғга ўзи йиқилади. Анвар ва Муҳайёнинг тўйидан хабар топиб, ўзига ўзи ўт қўяди. Қисса замунан садоқат вафо, меҳр ва самимий туйғулар синовида тобланган инсонлар тақдири ҳақида. Қалбига абадий бўлиб қирган муҳаббатнинг қай даражада буюқлиги, қадр-қиммати ҳақида сўз боради. Бундан ташқари, асар оилавий ҳаётнинг пасту баланд, аччиқ-чучуғини тортган инсонларнинг ҳам баъзида ҳаётда ўз яқин инсонларига адолатсизлик қилиб қўйиши, уларнинг кўнглидан кечадиган кечинмаларини тушунмаслиги ҳам маҳорат билан тасвирланган.

Чўлпоной АҲМЕДОВА,
журналист.


"TARBIYA KIM TOMONIDAN VA QAYDA QILINUR?"

"Эмди очик маълум бўлдики, тарбияни туғилган кундан бошламак, вужудимизни қувватландурмак, фикримизни нурландурмак, ахлоқимизни гўзалландурмак, зехнимизни равшанландурмак"

Абдулла Авлоний.

Биз фарзанд тарбияси ҳақида гапирганимизда бежизга таниқли маърифатпарвар бобомизнинг фикрини асос қилиб олмадик. Чунки, инсоннинг ўз ҳаёти давомида оладиган кўникмаларининг катта қисми оила бағрида, уй тарбиясида вужудга келади.

Фарзанд тарбиясида аввало, амал қилиш керак бўлган омиллар борки, улар авлоддан-авлодга ўтиб, инсоннинг камолатга эришишида муҳим ўрин тутиб келган. Яхши исм қўйиш — оиладаги меҳр-муҳаббат муҳити яратилганлиги — фарзанд билан самимийлик муҳитининг яратил-



ганлиги — боланинг ахлоқсиз одамлар билан мулоқотга киришишидан эҳтиёт қилиш — боланинг кўз олдида меҳнат билан шугулланиш — оилавий муносабатларнинг софлигига эътибор бериш.

Бугунги кунда фарзанд тарбияси учун масъул бўлган ота-оналар бу жиҳатларга етарлича эътибор бермаётганлигини кузатиш мумкин. Камолга етаётган фарзанд тарбиясидаги бу нуқсонлар ўз-ўзидан таълим жараёнида маълум бир қийинчиликларни юзага келтирмоқда. Педагогик фаолиятимизда кузатувларим натижасида шунга амин бўлдимки, қайсики оилада фарзандлар тарбиясига етарлича эътибор ва қатъий назорат муҳити яратилган бўлса, ўша оила фарзандлари таълимда ҳам маълум бир ютуқларга эришишган.

Ҳозирда бутун дунёда давом этаётган пандемия даврида фарзандлар ўз ота-оналари билан уйда қолмоқдалар. Бу вақтинчалик ҳолат ҳар бир ишда тадбирли бўладиган ота-оналар учун турли хил имкониятлар яратади деб

ўйлайман. Чунки бу КАРАНТИН режимида турмуш юмушлари сабаб фарзандларига етарлича ажрата олмаган вақтларини улар билан уйда ўтказиб, вақтни, соғлиқни қадрига етиб, ўз ҳаётий тажрибаларидаги йўл қўйган хато-камчиликлари ва улардан чиқарган одилонга хулосалари орқали фарзандларига бахтли яшаш сирларини ўргатишининг айна вақти деб ҳисоблайман.

Агар оилада анчалар қизларига хушмуомалалик, ҳалимлик билан биргаликда саранжомлик, пазандалик, чеварчилик билимларини қўлларидан келганча ўргатсалар, бу албатта, келажакда она бўладиган қизларимиз учун хайрли бўлади. Ўз ўрнида оталаримиз ҳам ўғилларига ҳалоллик, мардлик, меҳнатсеварлик ва тадбиркорликда намуна бўлсалар, улар эртага юртимиз ва оилаларимизнинг посбонлари, суюнган тоғлари бўла оладилар.

Хуршида АБДИРАСУЛОВА,
Чирчиқ шахри.

KORONAVIRUS EKOLOGİYANI "TUZATDI"



Коронавирус инсониятга жуда катта талафот — одамларга касаллик ва ўлим, иқтисодийга зарар келтирди. Аммо инсоният томонидан бўлаётган шафқатсизларча муносабат туфайли тобора касаллиб бораётган экологияга даво бўлди. Дунёнинг турли ҳудудларида жойлашган sanoat корхоналарининг вақтинча ёпилиши (карантин чоралари ва маҳсулотларга талабнинг пасайиши натижасида) ва илгари ишлаб чиқарилган глобал ётказиб бериш занжирларининг жиддий бузилиши билан биргаликда бу сайёра атроф-муҳит билан инсоний муносабатларда янги ҳақиқатни юзага келтиради. Ҳаракат — цивилизациянинг (транспорт ҳаракати, sanoat ривожини) кескин "секинлашиши" оқибатида ер қобиғидаги ташқи шовқин сезиларли даражада камайди, бу эса олимларнинг фикрига кўра, сейсмик фаоллиқни аниқроқ ўлчаш имконини беради.

гойиб бўлди. Карантин даврида Хитойда 200 миллион тонна карбонат ангидрид ҳавони булғамасан. Ҳавода азот диоксиди ва бошқа токсик аралашмаларнинг миқдори ҳам камайди. Хитой экология ва атроф-муҳит вазирлиги томонидан тақдим этилган маълумотларга кўра, «Яхши сифатли ҳаво» кунлари феврал ойдан бери ўтган йилнинг шу даврига нисбатан ҳавонинг тозаллиги 21,5 фоизга ошган. Ухан каналларида дельфинларнинг пайдо бўлиши ва эркин сузиб юриши ҳақидаги хабарлар келгусида эҳтимол, дельфинлар атрофдаги сувларда чайқаладиган ва чиройли ёввойи ҳайвонлар йўлда эркин юридиган янги, тоза дунёни кашф этаётгандек эди гўё.

1 ИТАЛИЯ. Бугун Италияда карантин бошлангандан бери ҳавонинг ифлосланиши даражаси умуман пасайди. Европа космик агентлигининг маълумотларига қараганда мамлакатда атмосферада азот диоксиди (заҳарли чиқинди) миқдори камайган. Бу айниқса мамлакатнинг шимолӣ ҳудудларига нисбатан сезилган.

2 ВЕНЕЦИЯ. Венеция каналларини тўлдирадиган одатий лойқа сув бирдан шаффоф бўлиб, майда баликларга тўлди. Бунга каналлар бўйлаб транспорт ҳаракати камайгани ва бунинг натижасида одатда сув юзасига кўтариладиган ёгингарчиликлар пастки қисмида қолгани сабаб бўлган.

3 ХИТОЙ. Хитойда ҳавонинг жиддий ифлосланиши билан боғлиқ муаммолар бутун сайёрани ташвишга солиб келмоқда. Айнан коронавирус хитойликларга ушбу муаммони вақтинча ҳал қилишга ёрдам берди. Хитой аҳолиси карантинга ўтгандан сўнг, мамлакатнинг деярли бутун ҳудудини қамраб олган заҳарли газ булути тўсатдан

4 АҚШ. АҚШда барча гавжум жойлар, шу жумладан ҳайвонот боғлари ва аквариумлар карантин пайтида ёпилган. Чикагодаги Шедд аквариумида ҳайвонлар учун ҳақиқий озод ҳаёт бошланди. Ушбу масканнинг ишчилари пингвинларни қафасларидан чиқариб юборишди ва қушларга бутун истироҳат боғини ўрганишга имкон беришди. Пингвинлар боғни ўрганиш асосида умрида курмаган баликларни томоша қилишди.

5 НЕПАЛ. Худди Хитой каби, коронавирус пандемияси туфайли



Эвереста сайёҳларнинг киришини тўсиб қўйди. Жомолунгма тоғи дунёдаги энг баланд полигон ҳисобланади. Ушбу табиий ёдгорликка ташриф буюрган сайёҳлар уни мунтазам равишда турли хил чиқиндилар билан ифлослантириб келганлар. Вақтинча бўлса-да тоғ пластик идиш ва турли зарарли чиқиндилардан тозаланадиган — "дам" оладиган бўлди.

6 РОССИЯ. Йўл ва кўчалар бўйлаб ҳаракатланадиган транспорт воситаларининг сонини камайтириш орқали ҳаво сифати яхшиланди.

7 ДЕХЛИ. Сўнгги йилларда ҳаво ифлосланиши ҳалокатли даражага етган Деҳлида мамлакатда ҳаракатга тақий жорий этилганидан бери ҳаво сифати сезиларли даражада яхшиланди. Ҳиндистоннинг бошқа шаҳарларида ҳам ҳаво тозаланди. Илк бор тунда осмонда юлдузлар кўрина бошлади.

Мутахассисларнинг фикрига кўра, экологиядаги вазиятнинг яхшиланиши оқибатида ҳаво сифати билан боғлиқ юрак-қон томир касалликларидан эрта вафот этиш ҳоллари пасайди. Масалан, 2008 йилда Хитой Пекин олимпиадасида ҳаво чиқиндиларини кескин чеклаб қўйганида, ҳаво сифати билан боғлиқ юрак-қон томир ва бошқа касалликлардан эрта ўлимлар сонининг камайиши бир неча тадқиқотларни қайд этган. 2010 йилда Москва табиий ёнғинлардан тўтун билан нафас олганда, худди шу касалликлардан шаҳарда ўлим даражаси кескин ошди.

КАРАНТИНДАН СЎНГ...
Карантин туфайли ҳар қандай тадбирнинг бекор қилиниши, ташкилотларнинг пул йўқотишларига ва ташриф буюрувчиларнинг ёмон кайфиятига тенг-

дир. Энди ҳамма нарса бутунлай бекор қилинади ёки бошқа жойга кўчирилади: концертлар, спорт чемпионатлари, мода ҳафталиклари, фестиваллар, кўргазмалар. Энг кўдратли мамлакатларда ҳам тадбирлар бекор қилинди. Аммо атроф-муҳит вақтинча нафас олиши мумкин. Масалан, Соачелла мусиқа фестивалига ташриф буюрувчилар ҳар кун 106 тонна ахлат ишлаб чиқаришади. Бундан ташқари, электр энергиясини ишлаб чиқариш учун фестивалларда ўртача 60 минг литрдан кўпроқ ёқилғи сарфланади. Айнан карантин туфайли ана шу ифлосгарчиликларга чек қўйилади.

Карантин чекловлари олиб ташлангач "уйда қолиш" тажрибаси келажакда қисман фойдали бўлиши мумкин. Массофадан ишлаш тажрибаси ўзлаштирилгач транспорт ҳаракати камайди, аммо уйдаги электр энергияси ва иссиқлик учун катта харажатлар сарфланади. Мутахассисларнинг фикрича, агар электр буғлиниш ёқилғисидан олинадиган бўлса, иссиқхона газлари яна чиқиндиларнинг кўпайишига олиб келади. Қисқа қилиб айтганда, пандемиядан сўнг, иқлим ўзгаришига таъсир этадиган чиқиндилар иқтисодиёт ва саёҳатлардан сўнг яна тикланиши мумкин. Чунки зарар қўрган иқтисодиётни тиклаш учун аввалгидан кўпроқ ҳаракат талаб қилинади. Шунга қарамай, ҳеч бўлмаганда битта атроф-муҳит яхшиланиши давом этади — бу Хитой томонидан ёввойи ҳайвонлар савдосига қўйилган тақий.

Умуман, экология маълум муддатгина инсониятнинг унга кўрсатаётган зараридан дам олади. Яъни экологиянинг яхшиланиши бу вақтинчалик. Экология, яъни она табиат қачон бутунлай "тузалади", қачонки одамлар онгли равишда табиатни сева бошласалар, уни ҳис қила бошласалар, дардига дармон бўла оласалар. Балки коронавирус туфайли йўқотишларимиз бизни экологияга нисбатан соғлом фикрлай бошлашимизга туртки бўлар. Бунга ҳозирча фақат умид қиламиз.

Хориж материаллари асосида Барно Султонова тайёрлади

Oila va jamiyat
Ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий газета
Обуна индекси — 176

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги, "Болалар ва оилаларни қўллаб-қувватлаш" ассоциацияси (Болалар жамғармаси) ва "Соғлом авлод учун" халқаро хайрия фонди
Бош муҳаррир: Акбар ҚАРШИЕВ

МАНЗИЛИМИЗ:
Тошкент — 100000.
Амир Темур кўчаси
1-тор кўча, 2-уй.
Қабулхона: (факс) 233-28-20,
Котибият: 233-04-35, 234-76-08
E-mail: oilavajamiyat@mail.ru
Web-site: oila-va-jamiyat.uz

Газета 2007 йил 11 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0169 рақами билан рўйхатга олинган. Бюртма Г — 636. Формати А-3, ҳажми 3 табоқ. Адади — 2303. Баҳоси келишилган нархда.
Босишга топшириш вақти — 15:00
Топширилди — 15:00
Навбатчи: Б. Исмоилов
Мусахҳих: С. Сайдалимов
Саҳифаловчи: А. Маляков
ISSN 2010-7609
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
1 2 3 4 5
oilavajamiyat@mail.ru

«Шарк» наشريёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.